O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 28 июль, чоршанба • № 60 (11.143) • Эркин нархда сотилади

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

27 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ҳамда иқтисодиётни ривожлантириш устувор йўналишларининг амалга оширилишига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раислари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирлик, қўмита, корпорация, концерн, компания, уюшма ва идоралар раҳбарлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мажлисда маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари ўтган ярим йил давомида жамиятимизни ислоҳ қилиш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш, иқтисодиёт барча соҳаларининг изчил ривожланишини таъминлаш йўлида яна бир муҳим қадам қўйилганини, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масаласини муваффақиятли ҳал этиш учун шароит яратилганини таъкидлади.

Юртбошимиз мамлакатимиз ғалла мустақиллигини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида жорий йил муҳим босқич бўлганини қайд этди. Бу ютуқлар соҳани ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ишларнинг натижасидир, деди Президент.

Йўлбошчимиз бугунги кундаги асосий вазифа ислоҳотлар ва янгиланиш йўлидан орқага қайтмай, халқ турмушини яхшилаш, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг халқаро обрўини ошириш, юртимиздаги барқарорлик, тинчлик ва тотувликка бўлаётган таҳдидларга нисбатан огоҳ бўлиш эканлигини алоҳида уқтирди.

Мажлисда жорий йилнинг олти ойи давомида иқтисодий ўсишга эришилгани, саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, чакана савдо, аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш ва иқтисодиётга инвестиция ётқизиш ҳажми ортгани қайд этилди.

Айни пайтда, корхоналарни ислоҳ қилиш суръатларининг пастлиги туфайли уларнинг молиявий аҳволи мураккаблигича қолмоқда. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида ўзаро қарзлар миқдори ҳамон юқори. «Ўзавтосаноат» ва «Ўзмашсаноат» уюшмалари, «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси, «Кўмир» акциядорлик бирлашмасида дебиторлик-кредиторлик қарзлари қисқармаяпти. Бир қатор инвестиция лойиҳалари, корхоналар акцияларини хорижий инвесторларга сотиш, шунингдек, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш ҳисобига бюджетга маблағ тушириш борасида ҳам қолоқлик мавжуд.

Кун тартибидаги масала юзасидан Бош вазир ўринбосари, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси В. Чжен, Бош вазир ўринбосари А. Исаев, Коммунал хизмат кўрсатиш вазири F. Муҳамедов ва бошқаларнинг ахбороти тингланди.

Мажлисда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Мажлисда Олий Мажлис Раиси Э. Ҳалилов, Бош Вазир Ў. Султонов, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари иштирок этдилар.

(ЎзА).

«БЕК» ТАҚДИМ ЭТАДИ



Зангиота туманида барпо этилган «Бек» хусусий фирмаси муваффақиятли ишлаб келмоқда. Унинг фаолияти йўналиши қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришга қаратилган. Лекин, фирманинг ғурури бўлган, унинг шон-шуҳратини ошираётган алоҳида маҳсулоти ҳам бор, у эса — ставиядир. Бу ўсимлик ширин қилиш, шифобахш хусусиятларга эгалиги билан ажралиб туради. Бундай қимматли маҳсулотнинг дастлабки туркуми ҳар бирида ставия солинган 50тадан халтача жойлаштирилган 10 мингта қутича тайёрлаб қўйилди. У Тошкент ва республиканинг экологик носоз минтақалари дорихоналарига етказиб берилади. Фирмада ставия асосида «Бектош» шифобахш ичимлигини тайёрлаш ҳам йўлга қўйилади.

Суратларда: фирма раҳбари А. Азимов (ўнгдан) ва мутахассис Х. Ҳакимовлар ставия етиштирилаётган иссиқхонада ўзаро суҳбатлашмоқдалар; фирма ходимлари ставия «чойи»ни намойиш қилишяпти.

Владимир ПОРТНОВ олган суратлар.

МЕНГА СЎЗ БЕРИНГ

1. *Ўзбекистон мустақилликка эришганига саккиз йил тўлади. Келинг, истиқлолнинг илк кунларига қайтайлик. Ўшанда дилингиздан қандай ўйлар кечган эди?*

2. *Сизнингча инсон учун энг муқаддас неъмат нима?*

3. *Мустақиллигимиз кўз ўнгимизда камолга етиб боряпти. Унинг янада равнақ топиши учун сиз қандай ҳисса қўшяпсиз?*

ИСТИҚЛОЛ: ВАТАН, ИЙМОН, ЭЪТИҚОД

Суҳбатдошимиз халқ депутатлари вилоят Кенгашининг депутати, Юқоричирчиқ тумани марказий шифохонаси бош шифокори Ҳайдар БОБОХОНОВ:

1. Худди куни кечагидек эсимда. 1991 йилнинг 5 сентябри эди. Газеталардан бирини қўлимга олдим. Кўзим йирик ҳарфлар билан ёзилган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонунга тушди. Дафъатан ҳаяжонланиб кетдим. Захматкаш халқимизнинг орзу-умиди ушаладиган, битмас-туганмас бойликларига ўзи эгалик қиладиган кунлар нафасини беихтиёр ҳис эта бошладим. Республикамиз рамзлари: Герби, Байроғи, Мадҳияси тўғрисидаги сатрларни ўқиганимда кўзларимга севинч ёшлари келди.

Хонамга жамоани тўпладим. Ҳамма қувончда эди. Бир-биримизни табрикладик. Ўшанда одамларга мустақилликни мустаҳкамлаш учун ўз бурчимизни ҳамиша ҳалол бажаришимиз, унинг қадрига етишимиз керак, деганларим ёдимда.

...Шундан буён саккиз йил ўтди. Ҳар йили байрамда ўша ҳаяжонли дамлар хаёлимдан бирма-бир ўтаверади. Ўша газетани ҳамон сақлаб қўйибман.

2. Тинчлик, хотиржамлик, неъматдир. Шу учовидан қайси биридир бўлмаса, инсон ҳаётидан файз, мазмун йўқолади. Кексалар ҳар сафар дуо қилганларида, бу сўзларни бежиз тилга олмайдилар. Қолаверса, уларнинг муқаддас эканлигига 16 февраль воқеаларидан кейин яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Шундай экан, ҳар биримиз юртимизда барқарор бўлиб турган тинчликнинг, тотувликнинг, хотиржамликнинг қадрига етиб, ҳушёр яшашимиз керак.

3. Шифокор-жарроҳ сифатида зиммамда доим масъулият сезаман. Одамларни даволаш, уларни қайта оёққа қўйиш бевосита бурчимиз. Балким, шу боис юртдошлар ишонч билдириб депутатликка сайлашгандир. Халққа кўпроқ нафим тегиши учун яна нималар қилишим керак, деб кўп ўйлайман. Ўтган йили вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига тез-тез қатнадим. Туманимиздаги ўзига тўқ бўлган тадбиркорлар билан мулоқотларда бўлдим. Харакатларим зое кетмади. Жамбул, Бордонкўл қишлоқларида врачлик пунктлари очилди. Қатор шифохоналарнинг модий асоси мустаҳкамланди. Яқинда Жанубий Кореяда малака ошириб келдим. Ҳозир бор маҳоратимни эл саломатлигини мустаҳкамлашга қаратганман. Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларда озми-кўпми ҳиссам борлигидан ўта мамнунман.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

КАВАРДОНЛИК ТАДБИРКОРЛАР ТУҲФАСИ

ЮҚОРИЧИРЧИҚ тумани Кавардон қишлоғидаги 1000дан ортиқ хонадонларда 5000га яқин аҳоли истиқомат қилади. Истиқлол байрами арафасида қишлоқ ўзгача чирой очмоқда.

Яқинда Қирғизовул ва Бўканбой қишлоқларига бориладиган катта йўл ёқасида яна бир савдо дўкони қад кўтарди. Бу савдо дўконини кавардонлик тадбиркор Асқар Ғаниев ҳамқишлоқларига туҳфа сифатида қуриб берди. Эндиликда янги дўконда озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик харид моллари ва яхна ичимликлар сотилмоқда.

Яна бир хайрли тадбир. Қишлоқнинг Ўринбой Мирсултонов номли кўчаси ҳар йили ёзда чанг, қишда эса лой бўлиб одам юриб бўлмасди. Энди одамлар текис асфальт кўчаларда яйраб-яшнаб юрадиган бўлишди. Бу ишни шу маҳаллада яшовчи тадбиркор Ўткир Калонов ўз сармояси ҳисобидан амалга оширди.

Латифжон МАНСУРОВ.

ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

АНГРЕНДАГИ вилоят Давлат педагогика институтида кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида таълим-тарбия ишларини, малакали мутахассислар тайёрлашни яхшилашга қаратилган амалий ишлар олиб борилмоқда.

Чунончи, бу муассасада мутахассислик бўйича гуруҳлар қайта кўриб чиқилди. Илгари ягона бўлган биокимё гуруҳи кимё, биология, жўғрофия гуруҳларига бўлинди. Бу йилдан янги мутахассисликни эгаллаш истагида бўлган олий маълумотли кишиларни ўқитиш ҳам жорий қилинади. Бунинг учун махсус сиртқи бўлим ташкил этилди. Сиртдан ўқиладиган ва пулли бу гуруҳга бу йил салкам юз кишини қабул қилиш назарда тутилган.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

БЕМОРГА ТЕЗКОР ЁРДАМ

СОҒЛИҚНИ сақлаш тизимида ислоҳотларни чуқурлаштириш шу куннинг муҳим вазифасидир. Вилоятимизда бунга жиддий эътибор берилмоқда.

Хусусан, яқинда Янгийўл шаҳри, Оҳангарон, Бўстонлиқ, Паркент, Юқоричирчиқ, Янгийўл туманлари марказий шифохоналари қошида шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари ташкил этилди. Улар тезкор енгил операциялар, танг аҳволдан қутқарув учун зарур замонавий асбоб-ускуналар, дори-дармонлар билан таъминланди.

Арофат РАЗЗОҚОВА.

АЁЛИ УЙҒОҚ МИЛЛАТ...

ЯНГИБОЗОР марказий кутубхонасида «Аёли уйғоқ миллатни ҳеч ким енга олмайди» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда туман марказий кутубхонаси ходимлари, «Нуроний», «Камолот» жамғармалари, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази туман бўлимлари, ички ишлар бўлимининг вояга етмаганлар билан ишлаш нозирликлари ходимлари, барча қишлоқ кутубхоналар мудирлари, таълим-тарбия соҳаларида меҳнат қилаётган зиёлилар, соғлиқни сақлаш тизими вакиллари, уй бекалари, маҳалла фаоллари иштирок этишди.

Йиғилганлар мамлакатимиз Президенти И. Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари ва ёшлар орасидаги диний экстремизм гояларининг олдини олиш бўйича ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишди.

Мансур ЛАТИПОВ.

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ТАШАББУС ГУРУҲИ ИШ БОШЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН халқи ўз мустақиллигининг саккиз йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўрмоқда. Ўтган йиллар давомида ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларида туб ўзгаришлар рўй берди. Амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар янада чуқурлашиб бормоқда. Энг муҳими уларнинг ҳаммаси эл фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Юртимиздаги бундай ўзгаришларни нафақат марказларда, балки, энг чекка қишлоқларда ҳам кўриш мумкин. Бу ишларни янгича тафаккурга, дунёқарашга эга бўлган одамлар амалга оширмоқдалар ва ўз мустақил мамлакатининг тараққиёти учун меҳнат қилмоқдалар. Буни инкор этиб бўлмайди. Айни пайтда бугунги вазият ижтимоий-иқтисодий тараққиётни янада жадаллаштириш билан биргаликда аҳолини, айниқса, ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, миллий мафкурани шакллантириш борасида олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмаслигини кўрсатмоқда.

Маънавият ва маърифат Тошкент вилояти кенгаши ташаббус гуруҳининг мажлисида ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Мажлисда давлат ва жамоат ташкилотлари, жамғармалар раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари иштирок этдилар.

Мажлисни Тошкент вилояти ҳокими Уммат Мирзақулов бошқарди.

Мажлисни очар экан, вилоят ҳокими маънавият ва маърифат соҳасида муайян ишлар амалга оширилганлигини таъкидлаш билан бирга бугунги кунда вилоятда миллий манфаатларимизга зид бўлган бузғунчи гоявий кучларга қарши кураш талаб даражасида эмаслигини айтди. Ҳалигача орамизда бу масаланинг нақадар муҳимлигини тушуниб етмаган, унга бепарво муносабатда бўлаётган раҳбарларнинг ҳам учраётганлиги ташвишлидир. Шунинг учун ҳам бу масала кун тартибида энг муҳим вазифалардан бири бўлиб турипти.

Республикамизда рўй берган сўнгги воқеалар шуни кўрсатдики, жамоат ташкилотларининг маънавий ҳаётни ривожлантириш ва бойитишга қаратилган, одамлар онги ва дунёқарашини шакллантириш, келажак авлодни комил инсон қилиб тарбиялашга йўналтирилган фаолияти талаб даражасида эмас. Кўп ҳолларда маънавият, мафкура соҳасидаги таргибот-ташвиқот ишлари тор доирада олиб борилмоқда. Жойларда маънавий-маърифий ишларга эътибор сусайиб кетганлигини мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий янгиланиш, юз бераётган муҳим воқеалар моҳиятининг жамоатчиликка етиб бормаётганлигида ҳам кўриш мумкин. Шу боис жойларда маънавият ва маърифат бўйича кенгашлар ва уларнинг бўлимларини ташкил этиш зарурати вужудга келди.

Республика Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов шу ҳақда тўхталар экан, ташкил этилаётган кенгашларнинг роли ва аҳамиятига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Мазкур кенгашларни тузишдан мақсад аввало бу борадаги ҳаракатларимизни мувофиқлаштириш, маълум бир тизимни вужудга келтиришдан иборат. Шунинг учун ҳам мазкур кенгашларга маънавият, маърифатни чуқур идрок эта оладиган ҳокимлар раҳбарлик қилишлари керак.

Мамлакатимизда ўтган саккиз йил ичида маънавий-маърифий соҳаларда анча иш қилинди. Шундай экан, нега бу масалага яна эътибор кучаймоқда? Чунки ҳаёт бу борада бугунги ишлар етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Энди бизга ҳаётимиздаги ёт бўлган ақидаларга, ҳаракатларга, кучларга қарши тура оладиган мафкура ва куч зарур.

Президент Девонининг масъул ходими Ҳайриддин Султонов ўз сўзида ана шу масалага чуқур тўхталди. Бугун биз Президентимизнинг огоҳлик, огоҳ бўлайлик, деган сўзларининг магзини чуқурроқ таҳлил этишимиз керак. Энди огоҳлик сўзини маиший томондан эмас, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан идрок этайлик. Саккиз йилдан сўнг рўй берган айрим ноҳуш воқеалар бизни ҳаётга янгича кўз билан қарашга ўргатиши лозим. Узоқ ва яқин ўтмишимизни кўз олдимизга келтирайлик. Ким эдигу, ким бўлдик? Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур. Юртбошимиз ёшларни ҳеч кимга бермаймиз, деганларида ҳам комил ёш авлодни ҳар томонлама тарбиялаш ва вояга етказишни назарда тутдилар. Бу мақсадларни рўёбга чиқариш учун ҳар биримиз масъулмиз. Ҳар биримиз ушбу вазифаларни амалга ошириш учун ҳиссамизни қўшмогимиз зарур. Халқимизни, ёшларни эришилган ютуқларнинг қадрига етишга, асраб қолишга ва уни янада тараққий эттиришга йўналтирмоғимиз керак. Бу ишни фақат иродаси мустаҳкам, ўз истиқлолининг қадр-қимматини тушуниб, идрок қила оладиган инсонгина рўёбга чиқаради.

Мажлисда сўзга чиққан ташаббус гуруҳи аъзоларидан вилоят «Наврўз» жамғармаси раиси Муҳаббат Шоюсупова, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази вилоят бўлими раҳбари Раҳматилла Шералиев, Янгийўл шаҳридаги 1-ўрта мактаб директори Ирода Маҳмудова ва бошқалар бу борадаги ишларни такомиллаштириш ва шакллантириш юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Мажлисда вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов бошчилигида маънавият ва маърифат кенгашининг ташаббус гуруҳи таркиби тасдиқланди. Маънавият ва маърифат республика кенгаши таъсис конференциясига делегатлар сайланди.

СЎЛИМ ОРОМГОҲЛАРДА

ВИЛОЯТ халқ таълими бошқармаси шу йилнинг бошида белгилаган режага кўра 305 мингдан кўпроқ ўқувчини оромгоҳларда соғломлаштириш кўзда тутилган эди.

Барча шаҳар ва туманларда эртанги кун вояларига ғамхўр ва меҳрибон корхоналар, ташкилотлар, муассасалар топилди. Айниқса бу борада Ангрен, Оҳангарон, Олмалиқ шаҳарлари, Паркент, Бўстонлиқ, Тошкент, Юқоричирчиқ туманлари алоҳида фаолият кўрсатдилар. Ҳозиргача 200 мингдан зиёд бола вилоятимизнинг энг сўлим жойларида хордиқ чиқарди.

Айни пайтда мактаблар ҳам бу ишга муносиб улушларини қўшмоқдалар. Улар қошида ташкил этилган 20та «Саломатлик ва қувонч» масканлари ҳам шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Саид ВАЛИЕВ.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ
янгиликлар, одамлар, воқеалар

8 МУСТАҚИЛЛИК: САККИЗИНЧИ ДОВОН

ҚОНУН: ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

БУЮК келажакни кўзлаб барпо этилаётган ҳуқуқий демократик давлатимизнинг асосий таянчи — қонунлар ҳисобланади. Мустақиллик йиллари ичида турмуш тарзимизнинг меъёрий ҳужжатлари бўлмиш қонунларни пишиқ-пухта, замонавий, ҳаётий ва халқчил қилиб яратишга жиддий эътибор берилди. Бу саъй-ҳаракатлар бежиз эмас эди. Президентимиз Республика Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги маърузаларида ҳам қайд қилганларидек «Энг, аввало, қонунларимизнинг мукаммал ва изчил бўлишига эришмоғимиз ва энг муҳими барча ҳуқуқий давлатлар ичида қонун асосида яшашни ўрганишимиз зарур».

Бу борада мустақиллигимизнинг ўтган сал кам саккиз йили самарали бўлди. Ана шу вақт мобайнида 200дан ортиқ қонунлар, 14та Кодекс қабул қилинди. Мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар, тараққиётнинг жадаллашуви, соҳаларни ўзимиз танлаган йўл асосида ривожлантириш борасидаги ҳатти-ҳаракатлар, истиқлолнинг дастлабки йилларида амалда бўлган, лекин, давр ўтиши билан такомиллашуви лозим деб ҳисобланган «Таълим тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», «Гаров тўғрисида», «Конституциявий суд тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Банкротлик тўғрисида», «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» каби қонунлар янги таҳрирда қабул қилинди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги мавжуд ҳуқуқ тизимини ривожлантиришда фармонлар, Конституцияга мос равишда Олий Мажлис томонидан амалга киритилган қонунлар, Кодекслар, шунингдек, ҳукумат қарорлари асосий манба бўлиб ҳисобланади.

Кузатишлар, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, республикамизда қонунчилик фаолияти йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Бунинг боиси, лойиҳаларни тайёрлаш босқичида комиссиялар, ишчи ва таҳрир гуруҳлари таркибига кирган олимлар, мутахассислар юксак малака ва билимдонлик билан ишламоқдалар. Барча қонунларнинг ҳаётийлигини таъминлашда Президентимизнинг бош-қош бўлаётганини алоҳида эътироф этиш керак.

Қонунлар қабул қилиниши олдидан уларнинг лойиҳалари умумхалқ муҳокамасидан ўтмоқда. Аҳоли томонидан билдирилган таклифлар, мулоҳаза ва истаклар жамланиб, ўрганилмоқда. Натижада, яратилаётган у ёки бу қонун такомил меъёрида бўлмоқда.

Хусусан, Олий Мажлиснинг ўтган йилги сессияларидан бирида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган «Ер Кодекси», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», «Қишлоқ хўжалик кооператив (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари жойларда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясида, қишлоқ хўжалигида даҳлдор олий ўқув юртларида, хўжаликларда, турли касб эгалари, мутахассислар иштирокида кенг муҳокама этилиб, билдирилган 3 мингдан зиёд таклифлар ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилди. Бу фикр-мулоҳазаларнинг кўпчилиги лойиҳаларнинг сифатини оширди, салмоқли қонунлар яратилишига асос бўлди. Худди шундай фикрни Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида якдиллик билан тасдиқланган «Ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар тўғрисида ҳам айтиш мумкин. Улар узоқ вақт вилоятлар, туманларда, қишлоқ ва маҳаллаларда муҳокама этилгач, бу ҳужжатлар юзасидан билдирилган аниқ таклифлар умумлаштирилиб, лойиҳалар мазмунига сингдирилди.

Қонун ижодкорлиги борасида доимо изланиш, халқ турмуш тарзидан ҳабардор бўлиш талаб қилинади. Жамоатчилик фикри пухта ўрганилгач, жамият учун зарур қонун ишлаб чиқилади. Президентимиз Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида ана шу заруратни ҳис этган ҳолда, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини тўлиқ таъминлаш, уларнинг шикоятларини ўз вақтида адолатли кўриб чиқиш, бу борадаги давлат органларининг масъулиятини ошириш мақсадида «Давлат органлари томонидан фуқароларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш тўғрисида» қонун қабул қилиш зарур, деб қайд қилдилар.

Давлатимизнинг ҳуқуқ тизими турли-туман қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари асосида шаклланар экан, уларнинг мустаҳкам бўлиши, узоқ йиллар давомида тараққиётнинг жадал суръатлар билан ўсишига хизмат қилиши, айниқса, муҳимдир. Зеро, қонунчиликда сифат ва самара ижрони таъминлаш услубининг аниқ ва тўғрилиги билан белгиланади.

Республикамиз Конституциясига тўла мос ҳолда қабул қилинган, жамият тараққиётининг таянчи ҳисобланган бу ҳужжатлар халқнинг ҳақ-ҳуқуқларини рўёбга чиқариши билан бирга, айни пайтда қонунларда ифодаланган талабларни бажариш мажбуриятини фуқаролар зиммасига юклайди. Чунки, ҳуқуқ бор жойда мажбурият, эркинлик берилган жойда масъулият бўлиши шарт.

Фикримизни равшанроқ ифодалаш учун «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Республика қонунининг баъзи жиҳатларига тўхталмоқчимиз.

Маълумки, Конституциямиз 31-моддасида қайд этилишича «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди».

Бош Қомусимизда зикр этилган бу ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, виждон эркинлигини кафолатловчи — «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда ўз ифодасини топган. У аслида 1991 йил 14 июнда, яъни мустақилликдан олдин амал қила бошлаган эди. Аммо, жамиятимиз ривожининг бугунги талабларидан келиб чиқиб, ўтган йили 1 майда қонун янги таҳрирда қайта қабул қилинди.

Қонун 1-моддасидаёқ унинг мақсади белгиланган бўлиб, у динга муносабатидан қатъий назар, диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Миллий давлатчиликни шакллантириш ва ривожлантириш учун иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда чуқур ислоҳотлар ўтказишда мавжуд қийинчиликларни енгишга тўғри келаётган бир пайтда, турли-туман диний оқимлар, гуруҳлар мамлакатдаги ижтимоий барқарорликка путур етказишни кўзлаб, ёшларни қабоҳатга, ноқонуний, ўта разил ҳаракатларга бошламоқдалар. Динимизнинг ижобий ғояларини бузиб кўрсатмоқдалар. Оқибатда улар дин ниқоби остида турли ўта оғир жиноятларни содир этмоқдалар.

Шунинг учун ҳам қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, республикамиз ҳудудида терроризм, нарко-бизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек, бошқа ғаразлик мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар фаолияти ман этилди.

Ушбу қонуннинг 11-12-моддаларига кўра, диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари Адлия Вазирлиги, диний ташкилотлар эса уни жойлардаги бошқармалари томонидан рўйхатга олинади. Маълумотларга қараганда, шу кунга қадар рўйхатга олинган диний ташкилотларнинг умумий сони 1554тани ташкил этади, шундан 1432таси ислом динига, 113таси христиан ва 9таси қолган динларга мансуб ташкилотлар ҳисобланади.

Ўтган йилнинг апрель ойидан бошлаб мамлакатимиз ҳудудида барқарор ижтимоий-сиёсий муҳитни сақлаш, диний идоралар фаолиятини ўрганиш, яширин фаолият кўрсатаётган диний ташкилотларни аниқлаш, бу соҳада йўл қўйилган ҳато, камчиликларни бартараф этиш мақсадида 871та диний ташкилотлар қайта рўйхатдан ўтказилди.

Мазкур қонунга риоя этилишини назорат қилиш прокуратура идоралари томонидан амалга оширилади. Қамларга мурожаат қилайлик. Шу йилнинг ўтган беш ойи давомида прокуратура идоралари томонидан жами 438та назорат текширишлари ўтказилди. Уларнинг якунида аниқланган қонунбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш учун мансабдор шахсларга 148та тақдимнома, 353та амрнома киритилди. 26та шахс қонун бузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилди, 263та шахс маъмурий, 117та ҳодим интизомий ва 22та киши моддий жавобгарликка тортилди, 30та жиноят иши қўзғатилди.

Қайд этилганлардан ҳулоса шуки, ҳар бир қонун жамият тараққиётининг асоси ҳисобланади. Қонун талабларини бажаришда демократик ҳуқуқий давлат ва янги жамият қуришга интилаётган фуқаролар масъулдирлар.

Аммо, бир нарсани унутмаслик керак. Қонунчиликни ривожлантиришда қўйилаётган асосий талаблардан бири — ҳокимият қарорлари қандай қабул қилиниши, уларнинг ижроси қандай назоратга олинишини фуқаролар билишлари керак. Қонунларни тайёрлашда улар ўзлари фаол иштирок этишлари лозим. Ана шундагина қабул қилинган қонунларимизнинг демократик руҳи бўй-басти билан намоён бўлади.

Мавжуда РАЖАБОВА,
Республика прокуратураси қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ҳодимлари малакасини ошириш маркази директори ўринбосари, адлия маслаҳатчиси, юридик фанлар номзоди.

Хушёрликка даъват

ЎҚИЛМОҚДА, ЎРГАНИЛМОҚДА

РЕСПУБЛИКАМИЗ Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари бутун халқимиз қатори Янгийўл тумани аҳолиси томонидан ҳам қизғин кутиб олинди. Мустақил давлатимиз фуқароларини ҳозирги мураккаб шароитларда, яъни мамлакатимизнинг ўзи танлаган йўлидан порлоқ келажак томон ишончли одим ташлаб боришига тўсқинлик қилаётган, ҳатто, қўпорувчилик хатти-ҳаракатларидан ҳам қайтмаётган ички ва ташқи кучлар мавжудлигида ҳаммамизни ҳушёр бўлишга даъват этувчи бу ҳужжат мазмуни ва моҳияти ҳар томонлама ўқиб, ўрганилмоқда. Меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда унга бағишланган йиғилишлар, давра суҳбатлари, чиқишлар, лекциялар уюштириляпти.

Шундай давра суҳбатларининг бири яқинда Ниёзбош қишлоғи фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди. Унда туман ҳокими муовини Баҳодир Тўраев, туман ички ишлар бўлими бошлиғи муовини, подполковник Буватилла Холматов, қишлоқ масжиди имом-ҳатиби Комилжон Холматов ва бошқалар сўзга чиқиб, Юртбошимизнинг кейинги вақтлардаги кўпгина нутқлари ва чиқишларида, айниқса, Ўзбекистон Ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларида мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва хотиржамлик барқарор бўлиши учун ҳушёрликни кучайтиришни, 16 февралдаги каби террорчилик ҳаракатларининг такрорланмаслиги учун барча чора-тадбирларни кўриш лозимлигини алоҳида таъкидлаётганини уқтирдилар. Бунинг учун аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида таълим-тарбия, тушунтириш ишларини авж олдириш, улар қалбига янгича тафаккур, янгича миллий мафкура ғояларини олиб кириш, она-Ватанга меҳр-муҳаббат, у билан ғурурланиш, фахрланиш туйғуларини сингдириш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга катта эътибор бериш талаб этилади.

Давра суҳбати қизғин баҳслар билан ўтди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

Собир МУҲАМЕДОВ.

«ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ» йўқламаси:

ЮҚОРИЧИРЧИҚ





ВАЗИФА - МАСЪУЛИЯТ - БУРЧ

...БИР ойча бўлди, чамаси. Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳомийлигида шу мамлакатда малака ошириб келган туманимиз соғлиқни сақлаш бўлими мудири Хайдар Бобохонов менга ўз таассуротларини гапириб берди. «У ердаги шифохоналарда ўрнатилган тартиб-интизом, иш услубининг ибратли томонлари кўп экан, ҳақиқатан ўрганишга арзийдиган», деди у. Ҳар куни эрталаб жамоалар саф тортиб Давлат мадҳиясини айтиб, кейин иш бошлашлари, касалхоналарда ташхис қўйиш, лаборатория таҳлиллари билан боғлиқ хизматлар компьютерлашгани, муолажалар бемор ётказилган захотиёқ бошланиши хусусида ҳам сўзлаб, имконият борича ана шу янгиликларни ўзимизда қўллашга интилишини билдирди. Уни тинглар эканман, агар мустақиллик бўлмаганида бу шифокорнинг хорижга бориши қаёқда эдию, бунча таассуротлар қаёқда эди, деган фикр хаёлимдан ўтди.

...Ростдан ҳам мамлакатимиз озодлиги шарофати билан ҳаётимизда туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Биргина бизнинг туманимизда саккиз йил давомида 14 нафар ўқитувчи, қатор ўқувчилар чет элда малака ошириб, ўқиб қайтишди. Қанчалари хозир ҳам билимларини пухталамоқдалар. Хусусан, Умртой Норқулов, Вячеслав Ким, Лилия Ким, Елена Цой, Сафар Абдуллаев, Светлана Кимлар Жанубий Корея, Олмония, Францияда тажриба орттирдилар. Ўқувчилардан Юлия Хван АҚШда, Сайёра Исмоилова эса Жанубий Кореяда 10-синфни битириб келишди. Миллати, ирқи, жинсидан қатъий назар, фарзандларимизнинг чуқур илм олиши, баркамол авлод бўлиб етишуви йўлида давлатимиз барча шарт-шароитларни муҳайё этмоқда.

Яқинда «Умид» жамғармаси орқали АҚШнинг Фарго шаҳридаги Иқтисод-молия университетида ўқиётган 5-курс талабаси, тумандошимиз Алишер Умаров ва унинг ота-онаси билан ҳокимликда учрашув ташкил этилди. У университет ҳаёти, яшаш тарзи, америкаликларнинг ўзбекларга бўлган ҳурмати ҳақида йиғилганларга гапириб берди.

Оддий деҳқон фарзанди Алишер АҚШда билим олаётганидан қувончи чексиз эди. У хорижда ўқиш тўғрисида илгари ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаган. Истиқлол бунга йўл очди. Бу ҳақда мен бежиз гапираётганим йўқ. Мамлакатимизнинг фақат ўзига хос кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида қилинаётган амалий ишлар одамлар мафкурасини ўзгартирмоқда. Уларда Ватанимизга меҳр-муҳаббат, буюк келажагимизга ишонч туйғусини уйғотмоқда.

Ўтган йиллар ичида туманда аҳолининг турмуш маданияти ҳам юксалди, қишлоқларимиз киёфаси ўзгарди. Одамлар ўзларига қарайдиган, уй-жойларини ораста тутадиган, кўркамлаштирадиган, тўйлар, таъзияли маросимларни ихчам ўтказадиган бўлиб қолдилар. Сўнгги икки йил ичида 170 хонадон янги уйларга кўчиб ўтди. Туманни табиий газ билан таъминланиш даражаси 92, сув билан таъминланиши эса 87 фоизни ташкил этди.

Ана шу эътибор уларнинг ерга бўлган муносабатида, янгиликларни тез илғаб олишларида, ҳукумат томонидан ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрликларга нисбатан қилаётган ҳалол меҳнатларида аниқ сезилмоқда.

Деҳқонлар ҳаёти ҳам мазмунан бойиди. Улар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ фармонлар, қарорлар, қонунлар моҳиятини тушуниб етмоқдалар. Ислоҳотларда фаол иштирок этяптилар. Кейинги икки йилнинг ичида туманда қатор хўжаликлар ширкат хўжалигига, айримлари деҳқон-фермерлар уюшмаларига айланди.

Янгича мулк шакли яхши натижаларда кўриняпти. Хусусан, ўтган йили пахтачиликда гектар бошига ўртача ҳосилдорлик 1993 йилдагига қараганда 4 центнерга ғаллачиликда эса 6 центнерга ошди. Бу йил туманда гектарига ўртача 41, «Гулистон», «Ийк ота», «Ўзбекистон», «Юқоричирчиқ», «Туркистон» ширкат хўжаликларида 1993 йилдаги 35 ўрнига 45-47 центнердан дон етиштирилди.

Ҳудудимизнинг истиқлол йиллари мобайнидаги ўзига хос яна бир жиҳати мулкдорлар сафининг кенгайганлигидир. Ҳозир бу ерда 284 нафар юридик, 513 нафар жисмоний шахслардан иборат тадбиркорлар қатлами шаклланган. Шу йилнинг ўзида ер майдонларини ким ошди савдоси билан сотиш бўйича бизда уч марта тадбир ташкил қилинди ва режалаштирилган 10та ўрнига 47та майдон шу усулда сотилиб, бюджетга 255 минг сўм ўрнига 1 миллион 766 минг сўм маблағ туширилди. Саккиз йил ичида 14та саноат корхоналари акциядорлик жамиятларига айланди. Кичик корхоналарда эса маҳсулот турлари кўпайди.

Айни пайтда айтиш керакки, инсон фақатгина нон, туз билангина тирик эмас. Ҳаётига файз ва мазмун бағишловчи бош омил — бу унинг маънавий барқамоллигидир. Шу муносабат билан мактаблар, ишлаб чиқариш корхоналари, қишлоқлар, маҳаллаларда ёшлар тарбиясига эътибор кучайтирилди. Бу жойларда ташвиқот ва тарғибот гуруҳлари томонидан турли учрашувлар, суҳбатлар уюштирилмоқда.

Шу билан бирга биз зиммамизда катта вазифалар турганлигини ҳам алоҳида ҳис этамиз. Қатор маҳаллалар, қишлоқларда хотин-қизлар мавқеини янада ошириш, уларга оилада, иш жойларида етарли шарт-шароитлар яратиш учун ҳали анча тадбирларни рўёбга чиқаришимиз керак. Ўсмирларни жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш, ҳарбий хизматга тайёрлаш, армияда бурчини ўтаётган аскарлар билан ота-оналар алоқаларини мустаҳкамлаш борасида тўпланган бой тажрибамизни янада кенг ёйиш лозим бўлади.

Мамлакатимизнинг мустақиллик йиллари ичидаги эришган муваффақиятлари, Республика Олий Мажлиси сессиясида алоҳида қайд этилган устивор йўналишлар моҳиятини аҳолига етказишда қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятларини янада кучайтиришимиз зарур. Чунки, ҳар қандай муҳим дастур мазмуни, мақсади оммага тушунарли бўлгандагина унинг ижроси таъминланади.

Туманда бу вазифалар бажарилиши учун имкониятларимиз етарли. Энди масъулиятни, суръатни бўшаштирмай, халқимиз фаровонлиги йўлида садоқат билан хизмат қилиш бурчимиздир.

Мирзахўжа ҚАЛҚУЛОВ,
туман ҳокими.

САҲОВАТНИ ШУ ЗАМИНДАН ЎРГАНДИМ

БОЛАЛИГИМ «Бордонкўл» қишлоғидаги Миробод маҳалласида ўтган. Ўша кезларда ҳашарлар кўп бўлиб турарди. Уй қураётганлар, кўчалар чеккаларига дарахт кўчатларини ўтказаётганларга отам билан бирга мен ҳам қарашардим.

Бундан ташқари, ўқиётган 20-мактабимиздаги тенгдошларим билан қариялар, ногиронларга ёрдам берувчи ўқувчилардан иборат гуруҳга аъзо эдим. Ўшанда ўзбек хонадонларининг бир-бирларига кўрсатган меҳр-оқибатлари ўзгача самимият билан юрагимга жо бўлиб қолган эди. Одамларга мен ҳам яхшилик қилсам, деб ўйлаб юрардим.

Орадан анча йиллар ўтди. Бу вақт мобайнида олий ўқув юртида билим олиб муҳандис-курувчи бўлдим, бир неча йил ишладим. Мустақиллик туфайли тадбиркорликка кенг йўл очилди. Ота-онам Олмонияга кўчиб боришгач, улар кўмагида тўқимачилик матолари бўйича «Ўзбекистон-Олмония» тижорат қўшма корхонасини ташкил этдим. Немис тадбиркорлари билан ҳамкорлигимиз яхши йўлга қўйилди. 1994 йили эса бизнес борасида фаолиятимиз янада кенгайди. Дилимдаги орзуимни амалга ошириш имконияти яратилгандек эди. Шифокор Вера Константиновна Нанчева қишлоғимизда замонавий шифохона йўқлиги тўғрисида кўпдан бери гапириб юрарди. Ўз жамғармамдан барча муолажа хоналари бўлган шифохона қуришга ахд қилдим. Эндиликда бу қишлоқ врачлик пункти ўзим униб ўсган «Бордонкўл» аҳлига хизмат қилмоқда. Беморлар миннатдорчиликларини эшитганимда ичимдан севиниб кетаман. Шу кунларда «Бордонкўл» қишлоқ фуқаролар йиғини биносини таъмирлаш учун жамғармамдан маблағ ажратдим.

Айни ўзбекларга хос урф-одатларни, саҳоватни ўргатган шу заминнинг ўзи экан, унинг фарзанди сифатида ҳайрли ишларга қўл уриш менга роҳат бағишлайди.

Владимир ШТЕЙНЕРТ,
«Интерпробизнес» корпорацияси директорлар кенгаши раиси.



Суратларда: (юқорида) «Бордонкўл» қишлоғида қад кўтарган қишлоқ врачлик пункти биносининг ташқи кўриниши. Бу замонавий шифо маскани ҳам мустақиллик йилларида барпо этилди; бу ерда Вероника Ли ва Гулайҳо Фармонова сингари малакали врач ва ҳамшираларҳизмат кўрсатишади.

* * *

Туман ҳудудида жойлашган «Автомагистраль» бирлашмасида республикада ягона кичик корхона очилган бўлиб, у барча вилоятлар, шаҳарларни йўл белгилари билан таъминламоқда. Уларни корхона механизациялашган бўлими бошлиги Фурқат Зокиров ҳамда йўл белгилари ва жиҳозлари цехи раҳбари Ғайрат Иногомов раҳбарлигидаги жамоа тайёрлаб беради (пастда чапда).

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Фидойилар

ОМОНБОЕВ ОМОН БЎЛСА...

ИХЛОС қўйилса ҳар қандай касб инсонни шарафлайди. Нуриддин Омонбоев ҳозирги «Дўстлик» жамоа хўжалигида ҳайдовчи, тракторчи, кейинчалик «Бахт» кўлида ободонлаштириш бўйича раҳбар бўлиб ишлаган. Меҳнат орқасидан ҳурмат-эътибор топди. Лекин, қисматга бир нима деб бўлмас экан. 1989 йил унинг ҳаётида оғир из қолдирди. Уни машина уриб кетди. Шундан сўнг туман, Тошкент шаҳар шифохоналарида йиллар давомида дардига нажот излади. Жарроҳлар қанчалик маҳоратларини ишга солишмасин, бир неча жойидан синган оёқ, елкадаги жарохатларни битириш, тинимсиз оғрикни қолдириш имконияти бўлмади.

Бемор учун дунё зимистонга айланди. Мажруҳ ҳолда шифтга тикилиб ётишдан бошқа илож йўқ эди. Бу борада қорасон бошланиб, бир оёқни кесишга тўғри келди. Олти марта жарроҳлик столига ётган Нуриддин эртаю кеч устида парвона бўлиб ўтирган, ранги зафарон умр йўлдошига нигоҳ ташлади. Унинг кўзлари ёшли эди. Нуриддин Омонбоев ўзини қўлга олди.

— Пешона экан онаси, кўргиликда, бунисига ҳам шукр. Кўнамиз, наилож...

Операция 5 соатдан кўп давом этди. Фақат оёқни кесиш эмас, баданнинг бошқа жойларидаги айрим жароҳатлар ҳам қимирламай ётавериш оқибатида нотўғри бирикиб қолган, уларни қайта очиш лозим эди.

— Мен тортган азоблар ҳеч кимнинг бошига тушмасин, — дейди Н. Омонбоев. — Сўнгги операциядан кейин анча вақт ўтгач, мушкулликлар орқада қолди. Қўлтиктаёқда юра бошладим. Ғайратим жўшиб тургандан кейин ётаверишни ўзимга ор деб билдим. Хўжалик раҳбарларига оила аъзоларим билан ишлайман, пудратчи сифатида ғалла десангиз ғалла, пахта десангиз пахта етиштирамиз. Ер беринг, лекин, уйда ўтира олмайман, дедим.

Хўжалик саккиз гектар ер ажратди. Оила аъзолари пудрат усулида ишлаб, 4 йилдирки, бу майдоннинг ҳар гектаридан 30-35 центнердан ғалла етиштириб келишмоқда. Бу йил эса кўрсаткич 42 центнерни ташкил этди. Туман, хўжалик раҳбарлари ҳамон уни қўллаб-қувватлашяпти. Ногиронлар аравачасини беришди. У ана шу «толмас оти»да дала айланади, иш бошқаради. Интилишлари зое кетмаганлигидан қувонади. Бу орада анча даромад топди. 1995 йилда ўз маблағи ҳисобидан озиқ-овқат дўкони, яна бир йил ўтиб, темирчилик, этикдўзлик устахоналари, сартарошхона очди. Қишлоқдаги мактабни таъмирлашга кўмаклашди. Ўтган йили эса Наврўз, Мустақиллик байрамларида кексаларни қўл соати ва бошқа совғалар билан йўқлади. Кам таъминланган оилаларнинг мададкори, ҳам саккиз фарзандинг отаси ана шу Нуриддин.

— Гоҳо соғлар қилмайдиган меҳр-оқибатни ногирон бўлса ҳам Нуриддиндан кўряпмиз, болам, — дедилар биз билан суҳбатда 104 ёшли Турдихўжа бобо Эшонов, — Худо хоҳласа, кўпчиликни ўйлаган одам кам бўлмайди.

...Бобо ҳақ гапни айтдилар. Нуриддин Омонбоев кам бўлмаяпти. Энг муҳими у ногиронман, деб қараб ўтиргани йўқ. Ҳеч кимга боқиманда эмас. Ана шу фазилати унга эл орасида обрў эътибор келтирмоқда.

Саидвали ҲАСАНОВ.

ОҚСИМ: ОЛДИ ОЛИНМАСА ҚИММАТГА ТУШАДИ

ЖАҲОНДА турли соҳалар бўйича фаолият юритадиган ташкилотлар жуда кўп. Давлатлараро эпизоотик қўмита — шуларнинг бири. У чорва моллари ва бошқа ҳайвонот оламидаги турли касалликларнинг олдини олиш билан халқаро миқёсда шуғулланади. 1993 йилдан буён Ўзбекистон ҳам ана шу ташкилотнинг аъзоси. Бусиз мумкин эмас. Чунки, ҳайвонларда учрайдиган юқумли касалликлар ўта ҳавфли бўлиб, нафақат чорва молларининг қисқа муддатда қирилиб кетишига, балки аҳоли саломатлигига ҳам таҳдид солиб туради.

Давлатлараро эпизоотик қўмитасининг маълумотларига кўра охирги йилларда, масалан, оқсим касаллиги Ўзбекистонга қўшни Туркия, Эрон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистонда кенг авж олган. Ушбу касалликнинг ўта ҳавфли ва жуда тез тарқалишини ҳисобга олиб, республика ҳукумати унга қарши зарур чораларни қўллаш масаласини давлат миқёсида кўриб чиқмоқда.

Хўш, оқсимнинг вилоят ҳудудида ҳам тарқалиш ҳавфи борми? У қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Бу хасталикнинг олдини олиш учун қандай эҳтиёт чоралари кўрилмоқда?

Мухбиримиз вилоят давлат ветеринария хизмати бошқармаси бошлиғи Муҳаббат ОРИФЖОНОВАГА ана шу саволлар билан мурожаат этди.

— Муҳаббат Қобуловна, оқсим ўзи қандай касаллик? У қай даражада ҳавфли?

— Оқсим жуда оғир кечадиган ўткир юқумли касаллик бўлиб, ҳамма турдаги ҳайвонларда, айниқса, айри (қўш) туёқли чорва молларида кўп учрайди. Касалга чалинган молларда иситма кўтарилади, оғиз бўшлиғи ва бурун катаклари шиллиқ пардаларида, елин ва тўёқлари орасида яллиғланиш пайдо бўлади. Оқсим пайдо бўлган фермаларда ёш моллар (бузоқ, қўзи, чўчқа болалари) 80, ҳатто, 100 фоиз қирилиб кетади. Соғин сигирларнинг сути 50-75 фоиз камаяди. Бўғозлари бола ташлайди. Моллар қисқа вақтда ҳаддан ташқари озиб, аянчли, айтиш мумкинки, ачинарли аҳволга тушиб қолади.

Энг ҳавфли жиҳати шундаки, у ҳаво орқали бирданига кенг тарқалиб кетади. Айниқса, шамолнинг йўналиши бўйлаб жадал ёйилади. Устига-устак оқсим вируси жуда яшовчан бўлиб, касалдан тузалган молнинг қонида 158 кун, сийдигида 146 кундан кейин ҳам вирус сақланиб қолганлиги аниқланган.

Оқсим келтирадиган иқтисодий зарар, айниқса, каттадир. Молларнинг кўплаб қирилиб кетишидан ташқари, карантин чораларини кўриш, эмлаш учун вакцина сотиб олишнинг ўзига озмунча маблағ сарфланмайди. Бунинг устига халқаро қонун-қоидаларга мувофиқ касаллик ўчоғи рўйхатга олинган ҳудудда (демакки, мамлакатда) иқтисодий конвенция эълон қилинади.

— Оқсим касаллигининг пайдо бўлиш сабаблари, манбалари нималардан иборат?

— Бунинг ички ва ташқи омиллари бор. Маълумки, оқсим касаллиги қиш ойларида кўпроқ учрайди. Чунки, унинг вируси қишнинг қахратон совуғида ҳам ўлмайди, аксинча, консервация ҳолатида яшайди. Шунингдек, қиш мавсумида озуқа танқислиги, молхоналарнинг вақти-вақти билан тозалаб турилмай, шалтоқ кўпайиб кетиши, туну кун елвизак бўлиши ва намликнинг ортиб кетиши кўп учрайдиган ҳолдир. Бу оқсим вирусининг тирилиши ва авж олиши учун айнан қулай табиий шароитдир.

Энди ташқи омилларга келсак, аввало, шуни айтиш керакки, вилоят Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон ва бошқа давлатлар билан бевосита чегарадош. Бу мамлакатларда эса кейинги йилларда оқсим касаллиги тарқалганлиги рўйхатга олинган. Бундан ташқари вилоят Тошкент шаҳрини ўз ичига олган. Бинобарин, чет эллар билан боғланиладиган барча магистрал йўллар бевосита вилоят орқали ўтади. Демак, оқсим вирусининг импорт маҳсулотлари ва транспорт воситалари орқали кириб келиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

— Оқсим одамларга ҳам юқиши мумкин?

Долзарб мавзу

— Албатта. Аммо бу камдан-кам ҳолларда учрайди. Уларга асосан касал ҳайвонлар орқали юқиши мумкин. Айниқса, болаларга ҳам сут орқали ўтиш ҳавфи бор.

— Ҳозир бизнинг вилоят ҳудудида ҳам ушбу касаллик пайдо бўлган манбалар аниқланганми?

— Ҳайриятки, йўқ. Сўнгги марта 1988 йили шундай ҳавф туғилганлиги аниқланган эди. Натижада зудлик билан ҳаракат қилиб, тарқалмасиданоқ бутунлай йўқ қилиб ташлашга эришилган. Аммо бу хотиржамликка берилишга асос бўлолмайди. Биз, ветеринария хизмати ходимлари касбимиз тақозоси билан йил-ўн икки ой кечаю кундуз зийрак туриб ишлашимиз зарур. Бунинг учун республика ҳукумати, вилоят ҳокимлиги барча зарур шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

— Оқсим касаллиги қайд этилганда қандай чора-тадбирларни қўллаш керак бўлади?

— Аввало, карантин эълон қилинади. Касал моллар ажратилади ва даволашга киритилади. Молхоналар, моллар яйратиладиган майдонлар дезинфекция қилинади. Карантин эълон қилинган ҳудудга бегоналарнинг кириши тақиқланади. Молларнинг жойи ўзгартирилмайди. Гўштга мол топшириш тўхтатилади. Сут пастеризация қилиб чиқарилади.

— Жамоа ва фермер хўжаликларидаги молларни текширувдан ўтказиб туриш бирмунча қулай. Бироқ аҳолининг кўлидаги молларни ветеринария хизмати кўригидан ўтказиш анча мураккаб жараён. Бу муаммони ҳал этишнинг мақбул йўллари хусусида мутахассис сифатида нима дея оласиз?

— Бизни кўпроқ ташвишга солаётган муаммо шу аслида. Чунки, вилоятдаги оқсим касаллигига мойил бўлган 387 минг бош қорамолнинг 303,3 минг боши, 395,3 мингта қўй-эчкининг 269,5 мингтаси аҳоли кўлида, яъни 285 минг 378та хонадонда боқилади. Шунча хонадонни вақти-вақти билан айланиб, молларни текширувдан ўтказиб туришнинг ўзи бўлмайди. Лекин бу вазиятни баҳона қилиб, профилактика ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйиш ҳунук оқибатларга олиб келиши аниқ.


Биз вазиятни тўғри баҳолаган ҳолда асосан Қибрай, Чиноз, Зангиота, Бўстонлиқ, Тошкент, Бўка, Пскент, Бекобод туманлари ҳамда Чирчиқ, Олмалиқ, Бекобод шаҳарларининг барча чегара қишлоқларидаги касалликка мойил ҳайвонларни тўлиқ эмлашга эришдик. Айнан шу ҳудудларда кўшни давлатлардан мол сотиб олиб келиш имконияти мавжуд.

Шу муносабат билан қўшни давлатлар билан чегарадош ҳудудлардаги 10-15 километргача масофада бўлган ҳамма қишлоқларда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари вакиллари, ветеринария мутахассислари, санитария врачлари ва бошқа фаоллардан иборат махсус гуруҳлар тузиб, улар ёрдамида барча хонадонлардаги молларни кўрикдан ўтказиб туришни ташкил этиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Шу гуруҳлар аҳоли ўртасида ўта ҳавфли касалликлар хусусида кенг тушунтириш ишларини олиб борсалар айни муддао бўлур эди.

Касалликнинг олдини олиш ва тарқалишига йўл қўймасликнинг яна бир таъсирчан чораси молларни ва улардан олинадиган маҳсулотларнинг бозорларда сотилиши устидан қатъий назорат ўрнатишдир. Бу муҳим ишда «Вилоятбозорсавдо» бирлашмаси раҳбарияти ва ички ишлар органлари ходимлари ветеринария ва санитария-эпидемиология ходимлари амалий ёрдам кўрсатишлари лозим. Чунки, вилоят туман ва шаҳарлари ҳудудида жойлашган 32та мол бозорида олди-сотди ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ҳолбуки, молларни бозорга олиб келишдан олдин клиник кўрикдан ўтганлиги тўғрисида расмий ҳужжат бўлиши шарт.

Вилоят ҳудудига оқсим касаллиги кириб келиши ҳавфи кучли эканлиги муносабати билан бизга чегарадош бўлган давлатлардан олиб кирилаётган ва олиб ўтиш мўлжалланаётган мол ва чорвачилик маҳсулотларининг ҳар қандай ҳаракати тўхтатилиши лозим. Халқнинг бойлиги бўлган чорва моллари соғлиғини муҳофаза қилишда бутун жамоатчиликнинг иштирок этиши давр талабидир.

Суҳбатдош: Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



Одам қилган меҳнатига яраша рағбат кўрса, ишга бўлган меҳри, касбга садоқати ортиб бораверади. Тошкент туманидаги Собир Раҳимов номли ширкат уюшмаси ғаллакорлари эришган ютуқларнинг сири ҳам шунда. Бу хўжалик туманда биринчи бўлиб ғалла сотиш бўйича давлат буюртмасини бажарди. 691 тоннадан ортиқ сара дон топширилди. Илғор ғаллакорлар, комбайнчилар рағбатлантирилди.

СУРАТЛАРДА: ўрим-йиғим якунига бағишланган йиғилишда ғолиб ғаллакорларни тақдирлаш пайти.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

БАРҚАРОРЛИКНИНГ УЧ ОМИЛИ

«НАВРЎЗ» — кўп тармоқли хўжалик. Шунга қарамай, ҳамма соҳада ҳосилдорлик ҳам, даромад ҳам барқарор. Деҳқон ва соҳибкорлар сабзавот, ток, мева-чевалардан ҳар йили канда қилмай, мўлжаллаган ҳосилларини оладилар. Ҳатто, чорвачилик ҳам йилига яхшигина даромад келтирмоқда.

Хўжаликдаги бундай барқарорликнинг уч асосий омили бор. Биринчиси — раҳбар ва мутахассис кадрларнинг сараланганлигидир. Бошқарув раисидан тортиб бригада бошлиқларигача тажрибали, изланувчан, ташкилотчилик қобилиятига эга мутахассислардир.

Иккинчи омил шуки, хўжаликда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ оилавий пудрат усули тўла жорий этилди. Ҳар бир деҳқон ўз ер участкасига эга. Оиласи билан шу участкада муқим меҳнат қилади. Хўжалик бошқаруви билан ўртада тузилган шартнома асосида муомала қилади. Шартнома шартларини йил давомида тўла-тўкис бажариб бориш ҳар икки томон учун қонун кучига эга. Демак, ким қандай ишласа, шундай даромад олади. Бир пудратчи эришган натижанинг бошқаларга ҳеч қандай даҳли йўқ. Бу усул шарофати билан, аввало, оиланинг рўзғори бут бўлиб, деҳқон бойиб боряпти. Қолаверса, хўжаликнинг ҳам иқтисодий мистақиллиги тобора мустаҳкамланмоқда. Чунончи, «Наврўз»нинг банкдаги ҳисоб рақамида камида 10 миллион сўм маблағи доимо нақд бўлиб туради.

Учинчидан — пудратчиларнинг хўжаликка шартнома асосида етказиб берадиган маҳсулотларининг умумий қиймати юзасидан ҳар ойда уларга маош тўлаб борилади. Бундан ташқари, энг юқори натижаларга эришган пудратчилар алоҳида моддий рағбатлантирилади. Масалан, бу йил бугдойдан 46-49 центнерга етказиб ҳосил олган Фахриддин Сайфиддинов, Тўра Шомаҳмудов, Тожимурод Ваҳобов бошлиқ бригада пудратчиларидан 15 нафарига рағбатлантирувчи совға сифатида гилам, палос ва пул мукофотлари топширилди. Бу хўжаликнинг соф даромади ҳисобидан, албатта.

«Наврўз»ликлар ўз анъаналарига содиқ қолиб бу йил ҳам ғалла ўрим-йиғимини қисқа муддатда тугатиб, биринчилар қатори режани уддаладилар. Бу нафақат туман, балки вилоят бўйича ҳам анча дуруст кўрсаткич эди. Лекин...

— Аслида бундан ҳам юқори ҳосил олишимиз мумкин эди, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Боқижон Фозилов. — Масалан, ўтган йилги мавсумда 46 центнердан ошганди. Афсуски, бу йил Россиянинг «Скифянка» нави панд берди. Бу бизга яхши сабоқ бўлди. Юртбошимиз айтганларидек, нав танлашда янглишмаслик керак экан.


Хўжалик раҳбарлари йўл қўйилган хатодан тўғри хулоса чиқариб олдилар. Аввалига эндиги мавсум учун Самарқандда яратилган «Улуғбек» навини экишмоқчи. Таърифлашларига қараганда, у 80-90 центнергача ҳосил тўкаркан. Лекин, бу фикрдан қайтишди. Чунки, бу навдан тайёрланадиган унниг сифати истеъмолчиларга манзур бўлмаяпти. Энди улар тумандаги «Бўзсув» жамоа хўжалиги билан бугдойнинг «Қалдирғоч» навидан сифатли уруғлик етказиб бериш юзасидан шартнома тузишди.

Камолиддин АСҚАРОВ.

ТЕКШИР-ТЕКШИРДАН ҚАЧОН ҚУТУЛАМИЗ?

Журналист мулоҳазалари

МЕН хизмат юзасидан вилоятимиз туманлари, хўжаликларига тез-тез бориб тураман. Хокимликларда бўламан. Мутасаддилар билан учрашиб, ўзимни қизиқтирган, ўйлантириб юрган мавзуларга оид суҳбатлар қиламан, маълумотлар оламан.



Тошкент туманига борганимда мутасаддилар кўпинча менга қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Маҳамаджон Эшоновга учрашишни маслаҳат берадилар. Сизни қизиқтирган саволларга у яхши жавоб қилади, дейишади.

Ҳақиқатан ҳам Маҳамаджон етук мутахассис. Агроном-олим. Аввалига бошқармада катта агроном, кейин бош агроном бўлиб ишлади. Мана уч йилдирки, бошлиқнинг ўринбосари бўлиб меҳнат қилаяпти. Камтар, касбига садоқатли, хушмуомала, дилкаш йигит. Мен унга ҳавас қиламан. Очиғи, баъзан эса ачиниб ҳам қўяман. Нега десангиз, қачон борманг, у қоғозлар ичида ўралашиб ўтиради. Мана бу кўрсатмаларни юқоридан юборишибди. Ундаги саволларга эртадан кечиктирмасдан жавоб юборишимиз шарт экан! Мана бу сўров қоғози эса вилоятдан келган. Фалон қарор бўйича туманимиз хўжаликларида ўтган давр мобайнида қандай ишлар амалга оширилганини баён этишимиз зарур! Хуллас, ўзининг айтишига қараганда бош қашишга ҳам вақти етмай қоларкан. Бунинг устига комиссиялар, текширувчилар ҳам бот-бот келиб туришади. «Ҳозир қўнғироқ қилиб айтишди. Вазирликдан бир гуруҳ келяпти. Мен уларни туманимиздаги хўжаликларга олиб чиқишим, бирга юришим зарур».

Шуларни айтиб ҳасратидан чанг чиқади. Икки қўлини кўксига қўйиб, узр ака, сиз билан бирга чиқишим керак эди-ку, илож йўқ! Лекин қандай маълумотлар керак бўлса, марҳамат, айтиб бераман!

Мен ундан керакли маълумотларни оламан. «Ҳижолат бўлманг, хўжаликка ўзим бораверaман», дейман. Сўнг сўраб қўяман:

— Комиссиялар, текширувчилар тез-тез келиб туришадими?

— Ҳафтада камида икки-уч марта, — дейди Маҳамаджон.

— Ўзларича-ми, ёки...

— Аслида уларнинг қўлида буйруғи бўлиши керак. Баъзан бор бўлади, баъзан эса йўқ. Бундайларни бизга юқоридан қўнғироқ қилиб айтишади. Қабул қилиб олинглар, улар махсус топшириқ билан боришяпти. Сўнг эса қўшиб ҳам қўйишади: тағин хафа қилиб қўйманглар.

Мен ўйланиб қоламан. Ахир Маҳамаджоннинг туб вазифаси комиссиялар, ҳар хил текширувчиларни кутиб олиб, уларни хўжаликларга олиб чиқиб, уёқ-бу ёқни айлантириш, бунинг устига қош-қовоқларига қараб, муносабатда бўлиш эмас-ку?! Лекин хоҳлайдими, хоҳламайдими, бу вазифани бажаришга мажбур! Комиссиялар эса сира эринмайдилар, шошилмайдилар. Хўжалик раҳбарлари, деҳқонлар билан учрашиш жараёнида «қанча ерларингиз бор, қанақа хилдаги экинлар экилган, уларнинг ривожи қанақа», деб савол-жавоб қиладилар. Айримлари олинган жавоблар билан қаноатланса, айримлари экин майдонларини айланиб, чиқадилар. Албатта, бу ишларингиз яхши дейиш билан бирга, мана бундай камчиликларга йўл қўйибсизлар, ундай қилиш керак эмас эди, бундай қилиш зарур эди, деб танбеҳ берадилар ҳам. Деҳқонлар текширувчиларнинг билар-билмас берилган саволларига хушламайгина жавоб берадилар. Йўл қўйилган камчиликларда, айблари йўқ бўлса ҳам текширувчиларнинг юзини қилиб, ҳақиқатни айтмайдилар. «Тўғри айтасиз, топшириқларингизни бажарамиз!» деб қўяқоладилар.

Текширувчилар, комиссиялар ана шу тарзда фаолият кўрсатиб, ишларини тугаллайдилар. Сўнг хулоса, якун чиқариш керак бўлади. Бунда ҳам асосий юк бошқарма вакилининг гарданига тушади. «Энди, биродар, ўзингиздан қолар гап йўқ, айландик, кўрдик, суҳбатлашдик. Ҳаммаси маълум гаплар, маълум камчиликлар! Шунинг учун хулоса, текширув якуни матнини ўзингиз, шароитингизни ҳисобга олиб ёзиб берганингиз маъқул. Албатта, ўз-ўзини танқид руҳида бўлсин! Сўнг биз қўл қўйиб раҳбарларимизга олиб бориб топширамиз, сих ҳам куймайди, кабоб ҳам!»

Бу таклиф бир жиҳатдан бошқарма вакилига ёқса, иккинчи томондан эриш тушлади, алам ҳам қилади. Ахир бунда қандай мантиқ бор? Дарвоқе, мантиқ билан уларнинг иши нима? Режага киритилган текширув бажарилганлиги ҳақида қайд қилиб қўйилса бўлганида!

Ўзимга-ўзим савол бераман: «Бундай хўжакўрсинга ўтказиладиган текширишларнинг кераги борми?»

Ахир ҳозир қишлоқ хўжалигига раҳбарлик тизимида туб ўзгаришлар рўй бердику! Деҳқонлар ерга эгалик қилмоқдалар, ширкат, ижара, пудрат, фермерчилик асосида иш олиб бормоқдалар. Меҳнатни ташкил этишнинг бу усуллари қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришга олиб келмоқда. Деҳқонлар ҳар қарич ердан унумли ва самарали фойдаланиш, юқори сифатли, хилма-хил маҳсулот олишдан, энг аввало, ўзлари манфаатдордирлар! Демак, уларга деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачиликка оид ўтказилиши зарур бўлган тадбирларни ипидан игнасигача ўргатиб ўтириш, кўрсатиб беришнинг айтарлик, ҳожати йўқку! Улар ҳар бир ишни вақтида ўтказиш учун ўзлари ҳаракат қиладилар, ўзларини-ўзлари тергайдилар ва шу билан бирга изланадилар, қийинчиликларни енгиш йўлларини қидирадилар, курашадилар. Шундай бўлгач, юқоридаги саволга қандай жавоб берилиши ҳақида ўзингиз хулоса чиқариб олаверинг!

Лекин шу нарса аёнки, қуруқ, асоссиз, ўринсиз танбеҳ деҳқоннинг энсасини қотириб, кайфиятини бузиб, фойдадан кўра кўпроқ зиён келтириши мумкин. Комиссия бўлиб келганларнинг бетига айтмасалар ҳам ичларида «сен айтган нарсаларнинг ҳаммаси ўзимизга аён, ундан кўра бизни ташвишга солиб турган муаммолар нима, суриштир, қўлингдан келса, уни ҳал қилишга ёрдам бер. Нима қиласанлар, бошимизни қотириб», ҳудога вақтимизни олиб, бошимизни қотириб».

«Нега энди деҳқон бу дардини очиқчасига айта қолмайди», дейишингиз мумкин. Айтса боши ғавғога қолишини яхши билади-да! Ахир у комиссия билан мулоқотга киришаётганида ён атрофидаги «хўжайинлари» кўзларини лўқ қилиб қараб туришади-ку: «Ўйлаб гапир, топиб гапир, тағин бўлмағур гапларни гуллаб қўйиб, бизни ҳижолатга қолдирма!»

Мен комиссияларнинг кўпроқ қай вақтларда ташриф буюришлари билан ҳам қизиқаман. Айтишларига қараганда улар куз фасли, яъни ғалвир сувдан кўтариладиган пайт бошланиши билан кўпайишар, арининг ини бузилгандек, ғужғон ўйнаб қолишаркан. Эҳтимол, бу туман шаҳарга яқин бўлгани учун шундай ҳолат рўй берар.

Лекин деҳқонга алам қиладиган томони шундаки, табиий офат хуруж қилиб, ташвиш келтирадиган дамларда, ёки бўлмаса маҳсулот сероб бўлиб, истеъмолчилар шартнома шартларини бажаришдан юз ўгириб, маҳсулотлар далада қолиб, деҳқонлар у ёқдан бу ёққа зир югуриб, катта машаққатлар, сарф-харажатлар эвазига етиштирган ноз-неъматлари кўз ўнгиларида нобуд бўлиб кетаётганидан қийналган, азобга қолган пайтларида комиссия ҳам, текширувчилар ҳам қораларини кўрсатмайдилар. Афтидан улар ўзинг пиширган ошни ҳам айланиб, ҳам ўргилиб ўзинг ичавер, еявер, бу муаммони ҳал этиш бизнинг вазифамизга кирмайди, қабилида иш юритсалар керакда. Бундай муносабатда қандай адолат, инсоф бор?!

Афсуски комиссиялар, текширувчилар билан боғлиқ бундай машмашалар бошқа туманларга, вилоятдаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи корхоналар, ташкилотлар, хўжаликларга ҳам айни тааллуқлидир. Бу хўжалик, бу ташкилотларнинг раҳбарлари билан суҳбатлашсангиз «Текширишлар жуда жонга тегди, эзиб юборди-ку! Ахир Президентимизнинг текширишларни тартибга солиш тўғрисидаги Фармони чиққанига анча бўлди-ку, нега бу фармонга амал қилгилари келмайди?» деб ҳасрат қиладилар.

Ҳақиқатдан ҳам ҳуда-беҳуда текширишлар қанчадан-қанча мутахассисларнинг қимматли вақтларини ўғирлайди. Асосий ишдан чалғитади. Дейлик, шу Тошкент туманида ҳафтада икки-уч марта комиссия бўлса, улар бир ойда ўн-ўн беш, бир йилда эса 150-180 кун вақтни банд этар эканлар. Ахир ана шу вақт ичида Маҳамаджон Эшоновга ўхшаган мутахассислар бевосита ўз ишлари, вазифалари билан шуғулланиб, бурчларини тўла-тўкис адо этиш имкониятига эга бўлсалар қандай яхши бўларди! Улар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш, моддий бойлик, ноз-неъматларни етиштиришни кўпайтиришга кўпроқ, салмоқлироқ ҳисса қўшган бўлар эдилар. Бу ҳақда жиддий ўйлаб, аниқ ва маълум бир мақсадга қаратилган, йўналтирилган хулоса чиқариш вақти наҳотки келмаган бўлса?! Қачон биз бу иллатдан қутуламиз?

Носир РИХСИЕВ.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

мамлакатлар ● одамлар ● воқеалар

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● ПОЙТАХТ Киевда Украина-Оврупо Иттифоқи учинчи саммити очилди. Унда икки томонлама дўстона ҳамкорлик масалалари юзасидан фикрлар алмашинди.

● БМТ БОШ КОТИБИ Кофи Аннан Конго Демократик Республикасида уруш ҳаракатлари олиб бораётган гуруҳлардан 8 августдан 20 августгача ўт очишни тўхтатиб туришни талаб қилди. Бу вақт мобайнида ЮНИСЕФ мутахассислари беш ёшгача бўлган 10 миллиондан зиёд болаларни ялпи эмлаш тадбирларини амалга оширадилар.

● АҚШ мудофаа вазири Уильям Коэннинг Токио, Сеул, Киев, Тбилиси бўйлаб сафари давом этди.

● РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда айтилишича, АҚШ ҳукумати Александр Лукашенкони Беларуснинг қонуний йўл билан сайланган президенти сифатида тан олмайди. АҚШ давлат департаменти расмий вакилининг баёнот беришича, Беларус конституциясига мувофиқ А. Лукашенконинг президентлик муддати 20 июлда тугаган.

● ОЗАРБАЙЖОНГА Франция сенати раиси Кристиан Конселе бошчилигидаги парламент делегацияси ташриф буюрди. Делегация бу ерга келишдан аввал Арманистон ва Грузияда бўлди.

● ИРОҚ ҲУКУМАТИ Бирлашган Араб Амирликлари ҳамда Яман президентларига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини билдирди.

● БУЮК БРИТАНИЯНИНГ Япония атом электр станциялари учун ядровий ёқилғи ортган «Пасифик пинтейл» ҳарбий кемаси Англия шимолидаги Берроу бандаргоҳидан йўлга чиққан эди. У йўналиш давомида бир муддат «Гринпис» — атроф-муҳитни муҳофаза қилиш халқаро ташкилоти вакиллари томонидан ушлаб турилди.

● ИНДОНЕЗИЯНИНГ собиқ президенти Сухарто ўтган ҳафтада мия фалажи ва юрак ҳуружи ташхиси билан шифохонага ётқизилди.

ҚУРУҚ РЕЖАНИНГ БАҲОСИ ҚАНДАЙ?

ЯҚИН ШАРҚДА тинчлик ўрнатиш жараёнининг «чалажон» бўлганига ҳамма гувоҳ. Сўнгги йилларда Исроил бош вазири Беньямин Нетаньяху олиб борган сиёсат туфайли барча саъй-ҳаракатлар боши берк кўчага кириб қолаверди. Ниҳоят, яқинда бўлиб ўтган умумхалқ сайловлари натижасида Ёҳуд Барак бошлиқ янги ҳукумат ҳокимият тепасига келди. Сайлов арафасида Ёҳуд Барак мамлакат осойишталигини сақлаш учун кўшни араб давлатлари билан тинчликка эришиши мумкинлиги тўғрисидаги ўз режаларини баён қилган эди. Хўш, ушбу режаларнинг эндиликда баҳоси қанақа бўлмоқда?

Ё. Барак ўз ваъдаларини адо этиш учун астойдил ҳаракатга тушганга ўхшамоқда. У бош вазир лавозимини расман қабул қилгач, дастлаб Миср президенти Ҳусни Мубарак билан Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш муаммоларини муҳокама қилди. Сўнгра Фаластин мухторияти раҳбари Ясир Арафот билан яна шу масалалар доирасида музокаралар олиб борди.

Ё. Барак музокараларининг юқори нуқтаси Вашингтонда АҚШ президенти Билл Клинтон билан ўтказилган мулокотларга тўғри келди, десак янглишмаймиз. Ўшанда Исроил бош вазири Оқ уй раҳбарини тинчлик ўрнатиш бўйича тузиб қўйилган ўз режалари билан таништирди. Жумладан, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатишнинг ўн беш ойга мўлжалланган ҳаракат режаси ошкор этилди. Шу муддатда Исроил ҳукумати Фаластин, Лубнон ва Сурия билан тинчлик борасида яқуний келишувларга эришишни кўзлаган эди. Бундай муддаолардан бохабар бўлар экан, АҚШ президенти бу режаларни қўллаб-қувватлади, уларни амалга ошириш қанчалик мушкул бўлмасин, АҚШ ёрдамга тайёр эканлигини билдирди.

Ўн беш ойлик дастурга биноан қандай режалар амалга оширилиши лозим? Бу дастурга кўра Фаластин миллий маъмуриятига Урдун дарёсининг ғарбий қисми берилиши керак. Тинчлик битими имзолангач, мустақил Фаластин давлатининг тузилишига монелик қилиниши нолозим. Бирок, Ё. Баракнинг режасига кўра Қуддус шаҳри ёҳудийларнинг «ягона ва бўлинмас» пойтахти бўлиб қолаверади. Сурия билан тузилиши керак бўлган шартномага асосан Исроил қўшинлари Жўлон тепаликларини тарк этиши керак. Дастурнинг Лубнонга тегишли қисмида эса асосий эътибор Исроил қўшинларининг Жанубий Лубнондан чиқиб кетишларига қаратилди.

Лекин, иш бошқа, гап бошқа, деганларидек, озгина режа билан оғизга тушадиган натижага эришиш, албатта, қийин. Шунинг учун айни кунларда жаҳон оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътибори баайни Ёҳуд Баракнинг юқорида айтилган ўн беш ойлик дастурига қаратилмоқда. Жўжани кузда санайди, деганларидек, энди навбат амалий қадамлар қўйишга келди.

УММОНДА ЎЛИМ, УММОНДА — «ДАФН»

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ўтган сонида собиқ АҚШ президенти Жон Кеннединг энг кенжа ўғли Жон Кеннеди, унинг рафиқаси Кэролайн ҳамда Кэролайннинг катта опаси Лорен хонимларнинг фожеали ҳалокати тўғрисида батафсил хабар берган эдик. Ўтган ҳафта охирида марҳумларнинг жанозаси ўқилди ва дафн маросими бўлиб ўтди.

Масаланинг таажжубланарли томони шундаки, одатан, Кеннедиларнинг майитлари Бостон шаҳридаги хилхонага қўйилар эди. Бу сафар ана шу тамойилдан воз кечилди. Жон, Кэролайн ва Лоренларнинг жасадлари куйдирилиб, кулга айлантирилди ва улар ҳалок бўлган жой — Тинч уммони узра сочиб юборилди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

«КОЛАМБИЯ» «МАЛИКА»СИ

АМЕРИКА Қўшма Штатларида ва жаҳоннинг бошқа йирик мамлакатларида фазога кемалар учириш эътиборга сазовор алоҳида бир ҳолат эмас. Лекин, кейинги кунларда «Коламбия» кўп мартабали кемасининг парвозга шайланиши кўпгина шов-шувларга сабаб бўлди. Бундай нохушликлар техникавий носозликлар ва ноқулай об-ҳаво шароитлари туфайли рўй берди.

Ниҳоят, икки бор кечиктирилгандан сўнг «Коламбия» кемаси ўтган ҳафта охирида парвоз қилишга муваффақ бўлди. Уни катта тажрибага эга бўлган фазогир аёл — Эйлин Коллинз хоним бошқармоқда. У энделикда фазогирлик тарихида кема бошқарган аёллардан биринчиси сифатида из қолдиради. Э. Коллинз АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг полковнигидир.

«Коламбия»нинг парвози қисқа муддатга мўлжалланди.

ТАЙВАН МОЖАРО АЙВОНИ ЭМАС

ОРАДАН неча ўн йиллар ўтибдики, Хитой Халқ Республикаси билан Тайван маъмурияти ўртасидаги муносабатлар силлиқ кечгани йўқ. Айниқса, кейинги йилларда икки ўртадаги вазият ўқтин-ўқтин кескинлашиб турди. Шундай аҳвол ўтган якшанба куни рўй берди. Хитойдан 80 километр узоқликда жойлашган Пэнху ороли атрофида Тайван қуролли кучлари жанговар ҳолатга келтирилди.

Тайван мудофаа вазирлиги вакили генерал — Чен Шиюнинг маълум қилишича, 18 июль куни Хитой ҳарбий ҳаво кучларига қарашли 20га яқин жанговар тайёраларнинг Тайван атрофида парвоз қилаётганликлари радарлар орқали аниқланди. Бунга жавобан Тайван ҳарбий ҳаво кучларининг самолётлари саноқли дақиқалардаёқ ҳавога кўтарилди. Ҳаво ҳужумига қарши мудофаа замбараклари, жанговар кемалар шай ҳолга келтирилди.

Шундай қилиб, Тайван билан ХХР ўртасидаги муносабатлар яна мураккаблашди. Жаҳон оммавий ахборот маҳкамалари шарҳчиларининг фикрига қарағанда, яқинда Тайван маъмурияти раҳбари Ли Дэнхуэйнинг Хитой билан Тайван ўртасидаги муносабатлар «алоҳида давлатлараро муносабатлар»дир, деб баёнот берганидан кейин шундай вазият вужудга келди. Хитой томони эса Тайван масаласи Хитой мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлиги билан боғлиқ муаммодир, деб турипти. Уларнинг шиори «битта мамлакат, икки тизим»дир. Ташқаридаги йирик давлатлар эса икки ўртада катта низо чиқиб кетишининг олдини олиш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқдалар.

ДУНЁНИНГ турли ГЎШАЛАРИДА

● КЕЙИНГИ кунларда «чигиртка офатлари» тўғрисидаги ваҳимали хабарлар кенг тарқалди. Чиндан ҳам шундай. Бу оч-офат ҳашаротлар охирги пайтларда Россия ва Қозоғистоннинг, қолаверса, Қирғизистоннинг кўпгина минтақаларига катта зарар етказди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда ёзилишича, Қозоғистон пойтахти — Остона шаҳрига ҳам кейинги кунларда сонсаноқсиз чигирткалар ёпирилиб келди. Мамлакатнинг 8 миллион гектарга яқин майдонидан чигирткалар томонидан «забт» этилди. Ажабланарли жойи шундаки, бугдой бошоғи ёхуд арпаси бўлмаган шаҳарларга ҳам чигирткалар «ялпи ҳужум» қилди. Шаҳарлардаги манзарали дарахтлар, гуллар ҳамда бошқа ўсимликларнинг ҳолига маймунлар йиғламоқда. Айни пайтда Қозоғистон ҳукумати бу офатга қарши чора-тадбирлар кўраётир.

● ҚИРҒИЗИСТОННИНГ Бозорқўрғон туманида саккиз нафар киши қуйдирги (сибир яраси) ташхиси билан касалхонага ётқизилди. Ушбу дард ниҳоятда хавфли бўлиб, у инсонларга ҳам, жониворларга ҳам катта талофат келтириши мумкин. Энг ёмони бу касаллик жуда ҳам юқумлидир.

Бу хасталик, одатан, шу дард билан оғриган моллар гўшти орқали юқади. Шу боис тиббиёт идоралари одамларни кўрикдан ўтмаган гўштларни истеъмол қилишдан сақланишга чорламоқдалар.

Шеърият

ЎЗБЕКИСТОН УШШОҒИ

Шукур қилгум ўзига-ки, мардуми Ўзбекистонман,
То умрим борича дўстлар, ушшоғи
шу ҳур ошёнман.
Танимда туғён урган қон олар шиддат
ошиқ ҳисдан,
Ки шу ошённи суймоқдин бу оламда
тирик жонман.
Дашту саҳросин гардин сургум кўзимга
тўтиё айлаб,
Ёзарман ишқида варақ-варақ ашъору достонман.
Нечалар бўлди умри ҳазон Ватанда ҳурлик истаб,
Истиқлол бонг мустақил юртда мен озод инсонман.
Аждодларим буюкларданким, бунга аҳли жаҳон шоҳид,
Бобом Темур соҳибқирон ила ғурури осмонман.
Кўҳна тарихим бўлса-да пинҳон асрлар ичра гарчанд,
«Зичи Кўрагоний» билан ҳам бўлдим машҳури жаҳонман.
Азал ўзбегим бағри кенг, меҳмонга саҳий мезбондур,
Шу сабаб қай элга борсам гар, мен ҳам азиз меҳмонман.
Юртим васф этарда менга аҳли шуаро бас келмас,
Ки юрт ишқида ёнмоқдан шод бўлган шайдо Усмонман.

ВАТАН ҚАДРИ

Она-Ватан қадрин бир кафт тупроғига зор ўландан сўр,
Юрт ҳажрида кўзи ёшли, ташнаи диёр ўландан сўр.
Кўзи ёшлиларнинг соғинч дарду андуҳларин эй, дил,
Ватанда висол они севинч ашки шашқатор ўландан сўр.
Мансаб деб миллатдан кечган мунофиқ кимсадан сўрма,
Қодирий, Чўлпон каби ёш умри хазон-хор ўландан сўр.
Ватан севмоқ лаззатидан бехабардур ғофилу гумроҳ,
Бу лаззат завқини ғурур ила шавқи вор ўландан сўр.
Ватан севмоқ иймондандур ки бул муқаддас ҳикмат шарҳин,
Ватан чет сарҳадларида туну кун хушёр ўландан сўр.
Ҳазар қил соҳиби иймон Ватан ишқи сохта каслардан,
Улар ҳолин умр шомида Ватансиз абгор ўландан сўр.
Элу юрт ишқида куймоқ дардин агар сен сўрар бўлсанг,
Ашъёр ёзиб шом то саҳар Усмондек бедор ўландан сўр.

КАМ-КАМ БЎЛАР

Лочин боласи дейдилар, моҳир учқур кам-кам бўлар,
Баҳри уммон остида ҳам ҳосили дур кам-кам бўлар.
Илму-фан бобида бирдан шону-шуҳрат келмаси аниқ,
Олим-доно заҳмат чекиб, элга машҳур кам-кам бўлар.
Бошласанг ғофил бандани ҳидоят йўлига агар,
Шошма кўп, мусулмончилик аста, шуур кам-кам бўлар.
Турмушдан камлик истаган ғирром, фитна касга дегум,
Иншоаллоҳ, бўлса тинчлик юрт обод, маъмур кам-кам бўлар.
Ақл қайроғи доно сўзи ибрат ҳар бир ҳикмати,
Бири бўлса кунда керак, бири дастур кам-кам бўлар.
Интилганга дер толе ёр, гар саломат бўлсак дўстлар,
Ушалиб орзулар албат, бахту сурур
кам-кам бўлар.
Эй Усмон, эл-юрт ишқида қаламинг
чарҳлаб эрта-кеч,
Куйласанг ёниб, ашъоринг элга манзур
кам-кам бўлар.

Усмон ЭГАМБЕРДИ, Облиқ қишлоғи.

СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

Футбол

ЖАНГОВОР ДУРАНГ

ЖАМОАЛАР Ўзбекистон Республикаси саккизинчи миллий чемпионати иккинчи давра мусобақаларига жиддий тайёргарликни бошлаб юбордилар. Вилоятимизнинг «Дўстлик» жамоаси куни кеча Туркия сафаридан қайтиб келди. Улар бу ерда иккита ўртоқлик учрашуви ўтказишди. Биринчи учрашувни Туркия чемпионатининг биринчи табақасида қатнашаётган «Тораджаспор» жамоаси билан ўтказиб йирик ғалабага эришдилар. Алишер Бозоров, Февзи Давлатов ва Ойбек Усмонхўжаевлар рақиб дарвозасига биттадан тўп киритиб 3:0 ҳисобида ўз жамоаси ғалабасини таъминладилар. Иккинчи учрашувда Туркия чемпионатининг олий табақасида қатнашаётган «Коджасспор» (Измир) билан куч синашдилар. Қизиқарли ўтган бу ўйин 2:2 ҳисобида дуранг натижа билан якунланди.

Эслатиб ўтамиз, «Дўстлик» иккинчи давранинг биринчи учрашувини 1 август куни мамлакатимизнинг бир неча бор чемпиони, Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси билан ўтказади.

Шохмот

РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ – КУЧЛИ ЮЗЛИКДА

Мамлакатимизнинг ёш, истеъдодли гроссмейстери Рустам Қосимжонов ФИДЕ куни кеча эълон қилган жаҳоннинг энг кучли юз шахматчилари рўйхатидан жой олди. Бу рўйхат 1999 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра тузилган. Ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов рейтинги — 2603 бўлиб, кучли юз шахматчилар рўйхатидан 74 ўринда турибди. Биринчи ўринни 2841 рейтинг билан Гарри Каспаров, иккинчи ўринни 2771 рейтинг билан ҳиндистонлик шахматчи Вашватан Ананд, учинчи ўринни эса 2760 билан россиялик шахматчи Владимир Крамник эгаллади.

Р. Қосимжонов жаҳоннинг кучли юзлигидан ўрин олган ўрта осиёлик ягона шахматчидир. Куни кеча у Америка Қўшма Штатларининг Лас-Вегас шаҳрида ўтадиган жаҳон биринчилигида иштирок этиш учун жўнаб кетди.

Талъат ЮСУПОВ.

Ёзувчиларнинг янги асарлари

ИСФАНДИЁР

ИНТИҚОМ

(Романдан парчалар)

Сўнгги сўз уни жунжиктириб юборди. Қўл ўз-ўзидан куртка чўнтагидан фотосуратлар солинган қора пакетни олди.

— Бизда бошламасига у-бу нарсалар бор, — Белов қийналиб тупугини ютаркан, ўз овозидан ўзи ҳайратга тушди: безбетларча, ҳатто юқоридан келиб... Ҳатто лабларига ҳам беписанд табассум қалққани аён эди. — Кўришни истайсизми?

Афтидан бу табассум, бу овоз эътиборини тортди шекилли, Раҳимов пакетга диққат билан, синовчан қаради. Сўнг столдан оппоқ, нозик бармоқларини кўтариб, қани, бер-чи, маъносида ишора қилди.

Белов қўлини тортиб олди-ю, яна ғазаб отига минди: «Мен бу айғирнинг нимасидан қўрқаман? Менга ҳеч нарса қилолмайди, аҳмоқ эмас, иложсиз аҳволда қолганини тушунди». У ўзини деярли қўлга ололди — албатта, қўрқинчли, баайни болалик пайтларидагидек: қоп-қоронғи тунда жинкўчада келаётиб, олдинда кимдир пусибгина кутиб турганига ишончинг комил бўлади, аммо, мана хавфли жойдан ўтиб оласан ҳамки, тирик жонга учрамайсан. Ҳозир ҳам шундай: ваҳимани енгиб, синовдан ўтиш керак, суҳбатнинг охирида дастлабки қўрқувларни эслашнинг ўзиёқ кулгили бўлиб қолар. Белов дадиллик билан пакетни Раҳимовга тутди-да, ўзи кабинет хўжайини боши оша сал тепарроққа қараб олди. Раҳимов ортида Андроповнинг портрети осиғлиқ турарди. Портрет баҳайбат, тилла суви юритилган рамка ичида эди, аммо аввал бу ерда осиғлиқ турган Брежнев суратидан кичикроқ эди шекилли, рамка четларида кенггина кулранг-қора бўёқ излари қолганди.

Пакетнинг қалин қоғози шитирлади. Нафасини ичига ютган Белов Раҳимовга кўз ташлади. У пакет оғзини лоқайдгина очди, биринчи суратни ярмига қадар суғуриб олди-ю, шу заҳоти кескин тарзда қайтиб жойига солиб қўйди. Раҳимовнинг қўли котибани чақирадиган тугма томон талпинди.

— Керакмас! — талаб қилди Белов. Ва ўзи ўзига маъқул бўлди: ишончли, ҳукмфармо чиқди. — Ўз гўзалингизни сал кейинроқ чақирасиз!

Бўлди, энди ҳеч қаёққа чекиниб бўлмайди, энди масала — ким кимни енгишида, энди бу ерда иккита йўл бор: ё зонага, ё жамғарма кассасига.

— Нима, сиз ўйлайсизки, мен эҳтиёт чораларини кўриб қўймаганманми? — дея заҳархандалик билан сўради яна иссиғи чиқиб кетаётганини ҳис қилаётган Белов. — Ўйлайсизки, булар, — у менсимасдан пакетга ишора қилди, — ягона нусхада... Менинг ассистентим бунақанги суратлардан юзлаб, минглаб тайёрлайди-да, вокзалларга, бозорларга тарқатади; поездларда порнография ишқибозларига сотсин деб соқовларга беради. Ҳамма сизни танийди. Бунинг устига, бунақа расмлар билан МК партия-назорат комитетлари, газета-журналлар — бари-барисини тўлдириб ташлаймиз...

Ҳамон тугмача устида бармоғини тутиб турган Раҳимов унга еб қўйгудек тикиларди.

— Мана энди бемалол чақираверинг, — деди Белов киноя билан. — Мен товламачилигим учун кўпи билан беш йил оламан. Сиз-чи?.. Ҳаммасидан айрилasиз: обрў-эътибор, оила, мавқе, келажак... Фол очиб нима қилдим? Ахир сизни нима кутаётганини ўзингиз яхшироқ биласиз.

— Бунинг учун... қанча сўрайсан? — деди тишлари орасидан Раҳимов. Сўнг, томоқ қириб, йўталиб қўяркан, такрорлади: — Қанча?

Белов шошилмасдан бир қути «Мальборо» сигаретасини олди. Йиғилишлар ўтказиладиган столга энгашиб, биллур қулдонни ўзига яқинроққа сурди.

— Шошиб нима қиламиз, — деди у мазаҳомуз. — Аввал бутун маҳсулотни кўринг, баҳоланг, — Белов стулни ўзига тўғирлаб, бемалол ўтирмоқчи эди, бироқ Раҳимовнинг ханжарли нигоҳидан ўзини йўқотиб қўлидаги сигарета пачкасини тушуриб юборай деди. Шундан сўнг у гўё ўзини мулоҳаза юритаётгандай тутиб, аслида эса яна асл ҳолига қайтишга уринган Белов жиддий тарзда, киноя-пиноясиз таклиф қилди. — Нархингизни айтинг.

— Бунинг баҳоси — фотоқоғоз, дорипорисининг нархига тенг, — дея жавоб берди Раҳимов дона-дона қилиб. — Уч сўм бераман... Негативи қани?

Белов такаббурона кулимсирашга ўзида куч тополди.

— Мен негативни ёнимда олиб юрадиган даражада аҳмоқ эмасман, — Белов сигаретасини чўнтагига жойлади. Энг оғири ортда қолди. Савдо бошланди. — Нархига келишолсак, негатив ҳам бўлади. Ҳозирча эса...

Белов фотосуратларни олиш учун столга энгашди, лекин уларни кафти билан беркитган Раҳимов ўзига тортди-да, тиззасига ташлади.

— Йўқ, менда тура турсин... Негативни шу ерга олиб келасан. Эртага, — Раҳимов аста олдинга интилди ва ғазабкор нигоҳини Беловдан узмаган кўйи қўшимча қилди. — Бугун... хўжайинингга айт, мен ундан бунақа пасткашликни кутмагандим. Ўйлайсанки, кўзойнак тақиб олсанг, сени ҳеч ким тайнимайди-да?

— Қанақа хўжайин? — Белов қулаб тушмаслик учун стул суянчиғини маҳкам чангаллаб олди: миясига қон урилди, қулоқлари жаранглаб кетди, кўз олдида ҳамма нарса чайқалиб кетди. — Сиз кимни айтяпсиз? Менинг ҳеч қанақа хўжайиним йўқ. Мен ўзимча ишлайман, ҳеч қанақанги хўжайинларни танимайман.

Ва тушунди — тамом ютқазди! Ўзини чеккадан тасаввур ҳам қилди: аянчли, кўзлари аланглаб турибди, юзи қўрқувдан оқариб кетган, лаблари кўкариб-куруқшаган. У истеҳзоли тусга киришга уриниб кўрди. Бўлмади. «Кеч! ўзимни фош қилдим... Алвидо, Светка. Тамом бўлдик!»

Раҳимов ишонқирамай киприкларини пирпиратди, сўнг кўзларини қисганча бир муддат мулоҳаза юритди. Кутилмаганда оромкурси суянчиғига ястаниб суяниб олганча, бениҳоя енгил тортиб, улкан мушук хуриллагандай кулиб юборди.

— Демак, бир ўзингга ишлайсан? — Қайта сўраб олди Раҳимов. — Мен бўлса... буларнинг бари нега керак деб бош қотириб ўтирибман, — у иргангандек пакетни икки бармоғида ушлаб тепага кўтарди. — Нимага эришмоқчилар, деб ўйлабман. Қўлларида ушлаб туришмоқчими? Итоаткор этишмоқчими?.. Аслида эса бир аҳмоқ довдирнинг очкўзлиги экан, холос, — Раҳимов яна кулди, лекин бу сафар қаттиқроқ, қувноқроқ. Ва ноғоҳ кулгисини шартта тўхтатди-да, пашшани ҳайдаётгандай қўл силтади. — Йўқол.

— Суратларни қайтарсангиз, Олим Акбарович, — Белов ялтоқланиб илжайишнинг эвини қилди. — Мен ҳазиллашгандим, чин сўзим ҳазиллашгандим.

— Ҳазил-лаш-дим! — Раҳимов ёмон иржайди, бурун катаклари керилди, кўзларига қон тўлди. Ҳозир у ўкириб юборадигандек эди, йўқ, ўзини босди. Нафасини ростларкан, лабларини таҳқиромуз қийшайтирди. — Мен ҳам ҳазилни яхши кўраман. Билишимча, хўжайининг ҳам ёқтиради... Шундай экан, иккаламиз сизнинг ҳазилингиз устидан бир боплаб куламиз-да энди.

— Нега? Қўйинг, керак эмас, бундай деманг, ахир. Ахир... — қалқиб кетган Белов аста-секинлик билан, столга ёпишган кўйи тиз чўкди: оёқларидан мадор қочганди. Ва шу ҳолида илтижо қилди. — Мени кечиринг, Олимжон ака. Бу ёшлигимдан, аҳмоқлигимдан. Кечиринг! — Курси ёнига жон алпозда эмаклаб борган Белов Раҳимовнинг қўлини тутасола лабларига яқинлаштира бошлади. — Мен эшакни кечиринг, илтимос қиламан!

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

(Давоми бор).



ОНАНИНГ НИГОҲЛАРИ

Онанинг кўзлари фақат яхшиликни кўради, яхши нарсани пайқайди. Халқимизнинг деярли ҳикматга айланиб кетган ушбу сўзлари оналар ҳақидаги энг яхши қўшиққа ўхшамайдими? Ўша қўшиқ, суратда кўриб турганингиз Муяссар аянинг ҳам умрига тааллуқли эмасми?!

Муяссар аянинг бахти — унинг ўнта фарзанди. Онанинг иссиқ қучоғида вояга етган ўғил-қизларнинг бири фан доктори, бири шифокор, бири муҳандис, бири ёзувчи, бири уста бўлиб эл корига ярамоқда. Фарзандлар камол топган қайноқ меҳр ошёни бўлган Муяссар онанинг бағрида ўттизга яқин невaралар ҳам ўсиб улғайди. Энди эса эваралар унга талпинмоқда.

Иссиқ бағрингиз ҳамиша бор бўлсин, аяжон! Нигоҳларингиз эса яхшиликдан асло узилмасин!

Суратда: Муяссар ая невaралари Отабек ва Мадинахонлар билан.

Нуъмон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

XX асрнинг сўнгги юлдузлари

МУШТЛАШАДИГАН ЖОЙИНГНИ КЎРСАТ

XX аср поёнига етмоқда. Кўз ўнгимизда ўзининг қудрати, маҳобати, яхши, ёмон кунлари буюк инсонлари билан ўтиб кетмоқда. Инсон... Аслида асримизнинг бош қаҳрамони у. Лекин уларнинг орасида шундайлар борки, номи узоқ йиллар, балки асрлар, одамлар қулоғида жаранглаб туради. Масалан, спорт оламида ўзига хос из қолдирган афсонавий боксчи Муҳаммад Али, футбол сеҳргари Пеле, баскетбол қироли Майкл Жордан... Сўзсиз дунё матбуотида XX асрнинг энг охирги буюк шахси ва спортчиси Уэетни Гретцки бўлиб қолди, деб таъриф берилган бўлса, профессионал оғир вазнли машҳур боксчилар Эвандер Холифильд ва Леннокс Льюиснинг муросасиз учрашуви яна бир унутилмас воқеа деб баҳоланди.

Бизнинг қуйидаги ҳикоямиз ана шулар ҳақида.

Йилимиз ўтгани сайин тарихий воқеалар жуда ҳам кўплаб содир бўлмоқда. Оғир вазнли икки машҳур боксчи Эвандер Холифильд ва Леннокс Льюиснинг учрашуви ана шундай воқеалар сирасига киради. Эсингизда бўлса, улар ўртасидаги жанг 13 мартда «Мэдисон сквер Гарден» рингида бўлиб ўтган эди. Америкаликлар бу ўйинга жуда ҳам катта эътибор бердилар. Эвандер — америкаликлар учун бутун вужуди билан кўрқмас жангчи, чинакам ринг рицари эди. У қандайдир инглиз мақтанчоғини боплаб ташлаши керак эди. Эвандернинг мағлубияти америкаликларнинг миллий ғурурига зарба бўлиб тушар эди-да.

АҚШда Леннокси очиқдан-очиқ ёмон кўрадилар. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор, албатта. 1992 йилда Риддин Боун жаҳон чемпиони бўлгач, Леннокса қарши рингга чиқишни, ўзининг чемпионлик унвонини ҳимоя қилишни рад этган, тўғрироғи буни хоҳламаган эди. Оқибатда Леннокс Льюис жангсиз жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. Матбуот эса Боуннинг қилмишини оқлаб, Ленноксни ғолиблик камарини унга бермагани учун тупроққа қориштириб ташлаган эди. Мана шунинг учун ҳам Холифильд — Льюис учрашувида ишқибозлар тозаям жазавага тушишди. Ҳайриятки, ўйин дуранг билан тугади. Бўлмаса нима бўлишини Худо биларди.

Жаҳон бокс уюшмаси жаҳон биринчилиги учун америкалик Эвандер Холифильд ва британиялик Леннокс Льюис ўртасидаги такрорий жанг шу йилнинг сентябрь ойида Лас-Вегасда ўтказилишига расмий розилик берди. Бу жанг уч тасниф — Жаҳон бокс уюшмаси, Халқаро бокс федерацияси ва Жаҳон бокс иттифоқи бўйича дунёнинг энг кучли боксчисини аниқлаб бериши лозим. 13 март куни Нью-Йоркда ўтказилган биринчи учрашувдан сўнг, аксарият ишқибозлар такрорий жангнинг ҳаққоний тарзда ўтказилишига ишонмаяпти. Чунки биринчи учрашув Л. Льюис устунлигида ўтган бўлишига қарамай, ҳакамлар жанг натижасини дуранг сифатида қайд этган эдилар.

Бу галги учрашув нима билан якунланади — саломат бўлсак, гувоҳи бўламиз, албатта.

Темур ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади.

ЭНДИ «99» НИ ҲЕЧ КИМ ТАҚМАЙДИ

Дарҳақиқат тақдир тақозосини қаранг-ки, муз майдонининг арслони Горди Хоу ўз вақтида хоккейни тарк этганида, ишқибозлар «Энди хоккей тамом бўлди», деб изтироб чеккан эдилар. Ўшанда ҳеч ким 11 ёшли болакай Уэйн Гретцкига эътибор ҳам бермаган эди. Аслида эса хоккейни янги поғоналарга олиб чиқиш айнан унга насиб этди.

1999 йил 18 апрелда асримизнинг бу буюк хоккейчиси охирги марта майдонга тушди. Агар унинг катта спортдаги охирги кунларини соатма-соат ёзадиган бўлсак, қуйидаги манзара пайдо бўлади.

18 апрель, соат 10.00. Гретцкининг охирги куни анъанавий учрашув — журналистлар саволларига жавоб бериш билан бошланди. У бир нечта саволларга жавоб бериб, ўйиндан сўнг кўришишга ваъда берди.

11.00. Гретцки ўзидан сал олдин катта спорт билан ҳайрлашган буюк баскетболчи Майкл Жордан билан телефонда суҳбатлашди. «Энг муҳими, — деди Майкл, — жуда кўп командалар сендан хоккейга қайт деб илтимос қиладилар. Сен эса қайтма, ҳар хил ваъдаларга учма».

12.00. Гретцкига «Питтсбург»нинг собиқ атоқли хоккейчиси Ларио Лемье қўнғироқ қилди. Уэйн уни «Рейнжерс»нинг «Пингвинс» билан бўладиган охирги ўйинига таклиф этди.

13.00. Гретцки 45та човгонга дастхат ёзиб, ўзининг командадош ўртоқларига, устозларига, хизмат кўрсатувчи одамларга тарқатди.

14.00. Гретцки ҳамма таниш-билишларига сим қоқиб, тарихий матчга таклиф этди, билетларни тарқатди.

15.00. Гретцки оиласи билан бирга бўлди.

18.00. Гретцки «Медисон сквер Гарден» спорт саройида бўладиган «Нью-Йорк Рейнжерс» ва «Питтсбург Пингвинс» командалари ўртасидаги ўйинга бир ярим соат қолганда, ҳатто чайковчиларда ҳам билетлар қолмаганди.

19.26. Гретцки муз майдонига чиқди. Ишқибозлар ўринларидан туриб, уни ўн минут давомида гулдурос қарсаклар билан олқишладилар.

19.36. Муз майдонига НХЛ комиссари Гэри Бэттман чиқиб эълон қилди: «Уэйн, шу дақиқадан бошлаб сен ўйнаган 99 рақам остида ҳеч ким майдонга тушмайди. Сен ҳамиша жаҳоннинг энг буюк хоккейчиси бўлиб ҳисобланасан. 99 рақами эса сеннинг тимсолинг бўлиб қолади».

22.20. Муз майдонининг ўртасида «Рейнжерс» командаси аъзолари билан эсдалик фотосига тушди. «Рейнжерс» клуби хўжайинлари унга янги «Мерседес»нинг калитини тутқаздилар. Шундан кейин гулларга тўлиб кетган майдонда у ҳурмат доирасини адо этди.

22.30 Кўзларидан шашқатор ёши оққан Гретцки муз майдони ва ечиниш хонасини ажратиб турган тўсиқдан ошиб ўтди...

20 йил муз устида ажойиб ўйинлар кўрсатган Уэйн Гретцкининг шон-шуҳрат йўли ана шундай тугади.

У 1961 йилнинг 26 январида Онтарио вилоятининг Бретфорд шаҳрида туғилди. «Эдмонтон» хоккей клуби таркибида 4 марта Стэнли Кубогини, уч марта мамлакат терма командаси таркибида Канада Кубогини қўлга киритди. Салкам ўн йил Канада биринчилигининг энг қимматбаҳо ўйинчиси, 9 марта энг кўп шайба киритган ҳужумчиси бўлди.

У рақиблари дарвозасига жами 1016та шайба йўллади. Энг охирги голини эса «Питсбург» командаси дарвозасига киритди.

У муз майдонидан кетди. Лекин хоккей ишқибозлари қалбида абадий қолди.

Илоҳим, бизнинг спортчиларимизга ҳам шундай улуғ дамлар насб этсин.

КЎЗА... КУНИДА СИНАДИ

Божхонада нима гап?

Агар қуёшга тик қаралса, унинг ўткир нурларидан кўз қамашиб, натижада атрофдаги нарсалар ҳам бир муддат кўринмай қолишини ҳамма яхши билади. Аммо баъзи кимсаларни мўмай бойликнинг жилваси шунчалик ўзига тортадики, оқибатда улар инсоф, виждон ва ҳалоллик каби туйғуларни буткул унутадилар. Ҳатто қонун олдида ҳам гўёки кўр-у кар бўлиб қолишади. Қилмишларидан сўнг тавба-тазарру ва пушаймондан эса энди фойда йўқ.

Ўз ҳуқуқларини яхши билмаган баъзи тижоратчилар юкларини чегарадан олиб ўтишга ваъда берувчи аллақандай «воситачи»ларга алданиб қолишмоқда.

Яқинда Тошкент вилояти божхона бошқармасига қарашли «Нажимов» божхона маскани ходимлари тонгги соат бларда назоратдан четда бўлган айланма йўлларини кузатиш вақтида чегарадан ўтаётган КамАЗ русумли автоуловни тўхтатиб, божхона кўригидан ўтказдилар. Натижада Б. Бувабеков бошқарувидаги бу автоулов юкхонасида лиқ тўла 10 хил турдаги товар-моддий бойликлари ҳеч қандай ҳужжатсиз, ноқонуний йўл билан олиб ўтилаётганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат бўйича олиб борилган суриштирувда маълум бўлишича, Ўзбекистон Республикаси фуқароси И. Дилфуза 14 нафар тижоратчиларга «бош бўлиб», жами 5.000.000 сўмлик кийим-кечакларни автоуловга юклаб, чегара томон йўл олган экан. Ишнинг пишиқ-пухталигини таъминлаш мақсадида икки нафар номаълум воситачи шахс кўмагида 30.000 сўм эвазига айланма йўл орқали чегарадан олиб ўтишга келишилган экан. Аммо уларнинг бу ноқонуний сафарлари божхона ходимлари томонидан тўхтатиб қолинди.

Суриштирув натижасида қоидабузар тижоратчилар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 182-моддаси, 2-қисми «А» бандида кўрсатилган қонунбузарлик содир этганликлари аниқланиб, уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Ботир ҲУСАНБОЕВ, Тошкент вилоят божхона бошқармаси матбуот маркази ходими.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 28 июль-1 август кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Вилоятимизнинг айрим туманларида момақалдироқ бўлиб, қисқа муддатли ёмғир ёғиши эҳтимоли бор. Шамолнинг тезлиги ҳар сонияда 15-20 метрга етади. Ҳарорат кечалари 18-23, кундуз кунлари эса 32-37 даража атрофида иссиқ бўлади. Кейинчалик кечалари 21-26, кундуз кунлари эса 35-40 даража атрофида иссиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0535. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 11.937 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 19.15. 1 2 3 4 5 6